

# PHARMAZETA

**ASKLEPIY Group**

Фармацевтик даракчи

## ФАРМАЦЕВТИКА ШУНЧАКИ БИЗНЕС ЭМАС



ASKLEPIY Group  
бош директори  
**Анвар Толибов** билан суҳбат

Февраль 2026 й.

ФАРМАЦЕВТИКА ШУНЧАКИ БИЗНЕС ЭМАС (2-3 ВЕТ) ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИНИНГ ТАҲЛИЛИЙ ШАРҲИ, 2025 ЙИЛ (4-7 ВЕТ) ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕАЛАР ШАРҲИ, 2026 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ (8 ВЕТ) РИНОМАКС ХОТ: ЎРВИ ПАЙТИДА КОМПОНЕНТЛАР СИНЕРГИЯСИ (10 ВЕТ) L-АРГИНИН: АМИНОКИСЛОТАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ФАРМАКОТЕРАПИЯДАГИ АҲАМИЯТИ ВА КЛИНИК ҚЎЛЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ (12-13 ВЕТ) ДЕРМАТОЛОГИЯ ВА ЭСТЕТИК ТИББИЁТДА ЗАМОНАВИЙ АНТИСЕПТИКЛАР ҚЎЛЛАНИЛИШИ (14-15 ВЕТ) ТОМОҚ ОҒРИГАНДА... (16-17 ВЕТ) Ёшликни сақлаб қолиш сири: ичкаридан таъсир кўрсатувчи корейсча ёндашув (18 ВЕТ) МАВСУМИЙ АЛЛЕРГИЯ: БЕЛГИЛАР, ДИАГНОСТИКА ВА ЗАМОНАВИЙ ДАВОЛАШ (20 ВЕТ) ТОП ДОРИХОНА УСУЛЛАРИ: ПРОВИЗОРЛА УЧУН ОЛТИН ҚОИДАЛАР (22 ВЕТ) ЖАҲОН ФАРМ ЯНГИЛИКЛАРИ (23 ВЕТ)

## СУҲБАТ

# Фармацевтика шунчаки бизнес эмас

Фармацевтика саноати бир вақтнинг ўзида ҳам бозор, ҳам ижтимоий шартнома қонуниятлари асосида фаолият юритади: дори-дармонлар оддий товар эмас, балки саломатлик ва ишонч инфратузилмасининг бир бўлагидир. Дунёда қарийб 2 миллиард киши ҳаётини зарур дори-дармонлардан мунтазам фойдалана олмайди — айнан шу ҳолат фармацевтиканинг “шунчаки бизнес эмаслигини” кўрсатувчи асосий далилдир. 2024–2026 йиллар уфқида соҳа “икки томонлама босим” босқичига кирмоқда: бир томондан — юқори клиник аҳамиятга эга даволаш усуллари учун харажатлар ортиб борса, иккинчи томондан — ўн йиллик охирида “патент жарлиги” юзага келиши ҳамда қиймат ва самарадорликка оид талабларнинг кучайиши кутилмоқда.

ASKLEPIY бош директори Анвар Толибов ўз номидан берган интервьюсида нима учун “миссия + комплаенс + барқарор таъминот занжирлари + ўлчаб бўладиган сифат” формуласи омон қолиш ва ўсиш стратегиясига, ҳамкорлик эса ривожланаётган бозорларда тараққиётни жадаллаштириш воситасига айланаётганини тушунтириб беради.

Екатерина Доронкина



2026 йилда “фарма” деганда кўпинча пул, аниқроғи, бозор улуши, маржа ва портфель ҳақидаги гаплар тушуниладиган бўлиб қолди. Бироқ беморнинг ҳаётини муҳим терапияни қандай кутаётганини бир марта бўлса-да кўрган одам тушунадики: фармацевтика — бу вақт, имконият ва ишонч демакдир. Сайёрамиз аҳолисининг деярли учдан бир қисми асосий дори-дармонлардан мунтазам фойдаланиш имкониятига эга эмас — бу эса соҳани шунчаки иқтисодиётнинг бир қисми эмас, балки ижтимоий барқарорликнинг бир бўлагига айлантиради.

Шу нуқтаи назардан, соҳа етакчилари, айниқса, ривожланаётган бозорларда фаолият юритувчилар олдида асосий савол пайдо бўлади: бир вақтнинг ўзида ҳам дори-дармонлар билан таъминлаш, ҳам GMP даражасидаги сифатни сақлаб қолиш, ҳам ривожланишга сармоя киритиш ва шу билан бирга барқарор бизнес бўлиб қолишга қандай эришиш мумкин?

## Фарма қандай ишлайди

Фармацевтика соҳаси бозор ва инсоннинг саломатлик ҳуқуқи туташган нуқтада фаолият юритади. Тизим ишдан чиққанда, бу савдо ҳажмининг йўқолиши эмас, балки даволаниш учун кетадиган вақтнинг бой берилишидир.

Биз дори қутилари сотмаймиз. Биз касаллик устидан назоратни, шунингдек, бу назоратнинг ўз вақтида таъминланиши учун масъулиятни сотамиз.

## “Миссия” ва иқтисодиётни қандай уйғунлаштириш мумкин?

Фармацевтикада шунчаки “илҳом” билан ғалаба қозониб бўлмайди. Бунинг учун учта таянч зарур: сифат, имконият (нарх/логистика/портфель) ва ишонч (комплаенс/мувофиқлик,

шаффолик, фармакологик назорат). Бу таянчлар мустаҳкам бўлса, иқтисодий натижалар ўз-ўзидан келади. Акс ҳолда, ҳеч қандай “маркетинг кучи” ёрдам бера олмайди.

Бизнинг соҳамизда обрў ҳар қандай чегирмадан қимматроқ туради: сифатдаги биргина муваффақиятсизлик кўп йиллик “ишонч солиғи” га айланади.

### 2024–2026 йилларнинг белгиловчи трендлари

Мен учта асосий “тўлқин” ни кўряпман.

Биринчиси — терапия нархи ва қиймат самарадорлигига босим: бозорлар тобора кўпроқ ҳақиқий натижалар, иқтисодий моделлар ва очиқлик талаб қилмоқда.

Иккинчиси — етказиб бериш занжирлари. Пандемия бир нарсани ўргатди: “арзонроқ” “ишончлироқ” дегани эмас. Шу сабабли мамлакатлар маҳаллийлаштиришни кучайтирмоқда, захираларни назорат қилмоқда ва ишлаб чиқаришга қўйилдиган талабларни оширмоқда.

Учинчиси — ўн йиллик охиридаги “патент жарлиги”: Financial Times ҳисоб-китобларида кўра, йиллик савдо ҳажми қарийб 180 млрд долларни ташкил этадиган препаратлар 2027–2028 йилларда патент ҳимоясидан маҳрум бўлади. Бу эса ҳозирдан портфеллар ва битимлар стратегиясини ўзгартирмоқда.

Инновация — бу урфдаги тренд эмас. Бу бир вақтнинг ўзида ҳам патентларга, ҳам жамиятга ютқазмасликнинг ягона йўлидир.

### “Патент жарлиги” фақат “катта фарма” учунгина таҳдидми?

Катта компаниялар учун бу — даромадга зарба, ривожланаётган бозорлар учун эса — имкониятлар дарчаси. Эксклюзивлик муддати тугагач, генериклар ва биосимилярлар пайдо бўлади. Аммо бу имкониятлар дарчаси фақат сифатли ва барқарор ишлай оладиганлар учун очилади: GMP, валидатсия, исботланган биоэквивалентлик, узлуксиз таъминот, фармакологик назорат.

Бу ўринда етакчиларнинг кўламини тушуниш муҳим. Масалан, Pfizer 2024 йилда 63,6 млрд

доллар даромад ва 10,8 млрд доллар илмий-тадқиқот (R&D) харажатларини (даромаднинг тахминан 17%) қайд этди.

АҚШнинг етакчи фармацевтика компанияси Eli Lilly 2024 йилда 45,0 млрд доллар даромад олган, турли манбаларга кўра, унинг тадқиқот ва ишланмаларга сарфлаган харажатлари эса 11,0 млрд долларгача етган (даромаднинг тахминан 24%).

Бу рақамлар нима учун “шунчаки нусха кўчириш” етарли эмаслигини тушунтириб беради. Бунинг учун компетенциялар экотизимини барпо этиш керак.

### “Фармацевтика компанияси экотизими” амалиётда — айниқса, ривожланаётган бозорлар учун

Бу — ишлаб чиқариш, сифат назорати, регуляторлик компетенциялари, R&D/технологиялар трансфери ва тижоратнинг ўзаро боғлиқлигидир. Агар бу занжирнинг бирор-бир ҳалқаси заиф бўлса, бутун тизим хавф остида қолади.

Шу сабабли, тараққиёт институтлари билан ҳамкорлик қилиш ва стандартларга сармоя киришиш “пиар” эмас, балки рақобат устунлигидир. Минтақа учун яққол мисол: NIKA PHARM Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан ускуналарни модернизация қилиш, GMP халқаро стандарти амалиётлари асосида қувватларни ошириш ва қайта қуриш учун 20 млн долларгача молиялаштириш қабул қилмоқда.

GMP халқаро стандарти — бу “текширув учун қўйилдиган белги” эмас. Бу — жаҳон бозори сиз билан мулоқот қиладиган тилдир.

### Халқаро кейслар

Халқаро бозорда кўлами кенгайиб, ажралиб турадиган амалиётлар:

➔ Pfizer компаниясида — пандемиядан сўнгги «тартибсизлик» га қарамай, капитал интизоми ва R&Dга эътибор кўрсаткичи: 2024 йил ҳисоботида ички R&D лойиҳаларига киритилган инвестициялар алоҳида қайд этилади.

➔ Eli Lilly компаниясида эътибор аниқ терапияларда клиник қийматга ва ишлаб чиқариш

инвестицияларини кенгайтиришга қаратилган бўлиб, бу маҳсулотга бўлган талабни узоқ муддатли ўсиш траекториясига айлантормоқда.

➔ Novartis компанияси эса “бизнесни инновацион платформага айлантатириш” моделини намойиш этмоқда.

Ривожланаётган бозор арзон нарх билан эмас, балки стандартларни жорий этиш тезлиги ва ишлаб чиқариш маданиятининг чуқурлиги билан ғолиб чиқади.

### ASKLEPIY Group стратегиясининг устувор йўналишлари

ASKLEPIY Group Ўзбекистон фармацевтика бозорининг етакчиларидан бири сифатида фаолият юритади ва бир нечта бизнес-бўлинмаларни ўзида бирлаштиради. Бугунги кунда стратегиямиз бир қатор йўналишларга қаратилган:

### Сифат ва халқаро стандартлар

Асосий урғу — ўсиш ҳамда беморлар, шифокорлар, регуляторлар ва ҳамкорлар ишончининг асосий шарт сифатида халқаро стандартларига мувофиқликка қаратилган. Минтақада соҳа даражасида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш тенденцияси кучаймоқда: компаниялар ускуналарни янгилаш, жараёнлар сифати ва ишлаб чиқаришнинг бошқарилувчанлигига сармоя киритмоқда, чунки “GMP етуклиги” сиз барқарор равишда кенгайиб, янада талабчан сегментлар ва каналларга чиқиб бўлмайди.

### Қулайлик ва портфель

Фармацевтикада қулайлик — бу фақат нарх дегани эмас. Бу ривожланаётган бозордаги қиймат, мавжудлик (етказиб беришнинг узлуксизлиги) ва тасдиқланган сифат ўртасидаги мувозанатдир. Бундай ёндашувда портфель шунчаки тижорий жозибадорлик асосида эмас, балки фармацевтиканинг ижтимоий родини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади: яъни, терапия мавжудлигини олдиндан таъминлаш орқали беморлар ва соғлиқни сақлаш тизимининг реал эҳтиёжларини қондириш кўзда тутилади.

### Таъминот занжирларининг барқарорлиги

Пандемия таъминот жараёнларининг ишончлилигини алоҳида стратегик масалага айлантирди: компаниялар хатарларни, айрим таъминотчиларга қарамликни ва логистика заифлигини бошқача баҳолай бошлади. Натижада, стандартлаштириш ва модернизациянинг аҳамияти ҳамда ишлаб чиқариш ва логистика инфратузилмаси ишончлилигини оширадиган лойиҳаларни қўллаб-қувватловчи ривожланиш институтларининг иштироки ортиб бормоқда.

### Маълумотлар базаси ва фармакологик назорат

Соҳадаги тренд — реал ҳаётий маълумотларнинг (real world data) родини ошириш ва хавфсизлик назоратини кучайтиришдир. Бу фармацевтика компаниялари учун нафақат маҳсулотни бозорга чиқариш, балки сифат ва ишончни таъминлаш мақсадида тизимли фармакологик назоратни йўлга қўйиш, хавфсизлик сигналларини кузатиб бориш ва маълумотларга асосланиб қарор қабул қилиш тобора муҳим аҳамият касб этаётганини англатади.

### Тижорат ва каналлар

Минтақавий бозорларда каналлар аралашмаси (channel mix) тез ўзгармоқда: электрон тижорат ривожланиб, харидорлар хулқатвори ўзгармоқда. Бу эса компанияларни ўз бизнес моделларини, жумладан, ассортиментни бошқариш, талабни прогноزلаш ва хизмат кўрсатиш стандартларини омниканаллик шароитларига мослаштиришга ундамоқда.

Ушбу йўналишни биз ўзимизнинг OXYmed Go онлайн лойиҳамиз орқали қамраб олганмиз.

### Ҳамкорлик ва экспорт

Ҳамкорлик ва модернизацияни молиялаштириш ўсишни жадаллаштирувчи омилга айланмоқда: улар стандартларни тезроқ яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш ва рақобатбардошликни кучайтиришга ёрдам беради. NIKA PHARM корхонаси сармоялар ва институтсионал кўмак саноат трансформациясини қай даражада тезлаштириши мумкинлигига яққол мисол бўла олади.

#### Манбалар:

Всемирная организация здравоохранения: материалы о доступе к essential medicines («почти 2 млрд без регулярного доступа»).

Financial Times: оценка масштаба «патентного обрыва».

Pfizer: пресс-релиз/отчёт по итогам 2024 (выручка, R&D).

Eli Lilly: Form 10-K за 2024 (выручка, R&D).

Novartis: Annual Report 2024 (R&D, R&D-интенсивность, стратегические ориентиры).

## ФАРМ БОЗОР ТАҲЛИЛИ

# Ўзбекистон фармацевтика бозорининг таҳлилий шарҳи, 2025 йил

Ўзбекистон фармацевтика бозори барқарор ижобий динамикани намён этишда давом этмоқда, бу эса ҳам ички иқтисодий жараёнлар, ҳам соғлиқни сақлаш соҳасидаги глобал трендларнинг аксидир. Сифатли дори воситаларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиши, истеъмолчи афзалликларининг ўзгариши, нархлар волатиллиги ва мавсумий омиллар соҳанинг кўп қатламли, бироқ умумий жиҳатдан башорат қилинадиган ривожланиш моделини шакллантирмоқда.

Камилла Мусаева

### 1. 2025 йил якунлари бўйича Ўзбекистон фармацевтика бозори

#### 1.1. Ўзбекистон фармацевтика бозорининг ҳажми (IQVIA)

1-графикда Ўзбекистон бозорининг 2024 йил январидан 2025 йил декабригача бўлган даврдаги ҳажми динамикаси (1-график) миллион АҚШ долларларида (1-график) ва қадоқларда (2-график) кўрсатилган.

IQVIA маълумотларига кўра, Ўзбекистон фармацевтика бозори 2025 йилни ўсиш суръатларининг сезиларли даражада тезлашиши билан якунлаган. Қиймат кўринишида ойлик сотувлар

ҳажми йил охирига келиб 250 млн долларлик маррага яқинлашди, йил давомида эса 40–50 фоиздан юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

Табиий кўринишда ҳам бозор ижобий динамика кўрсатиб, энг юқори кўрсаткичли ойда 114 млн қадоқдан ошди.

3-графикда қадоқнинг ўртача қиймати ойлар кесимида ҳамда олдинги ойга нисбатан нарх ўсишининг фоиз кўрсаткичи акс эттирилган.

2025 йилда бир қадоқ дори воситасининг ўртача нархи ўсишда давом этди. Бу ҳолат талаб таркибидаги ўзгаришларни ҳам, бозордаги умумий нарх динами-

касини ҳам акс эттиради. IQVIA маълумотларига кўра, кўрсаткич йил бошидаги 2,1–2,2 доллардан давр ўрталарига келиб бир қадоқ учун тахминан 2,7 долларгача кўтарилган.

#### 2. Ўзбекистон бозорининг тузилмаси


##### 2.1. Турли нарх тоифаларидаги дори воситалари истеъмолининг тузилмаси

4-графикда турли нарх тоифаларидаги дори воситалари истеъмоли динамикаси (пул кўринишида) акс эттирилган.

2025 йилда бозор асосий нарх сегментлари ўртасида талабнинг


барқарор тақсимланганини намён этди. Энг катта улуш аввалгидек нархи 1 долларгача бўлган дори воситаларига тўғри келади — қиймат кўринишида бозорнинг ярмидан кўпи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу аксарият истеъмолчилар учун дори воситаларини танлашда нарх омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, юқорироқ нарх сегментларининг улуши ҳам босқичма-босқич ортиб бормоқда. Нархи 1–5 доллар ораллигидаги препаратлар бозорнинг қарийб учдан бир қисмини ташкил этади, нархи 5 доллардан юқори бўлган тоифалар эса ўз




1-график.

Ўзбекистон фармацевтика бозори ҳажми ойма-ой, млн АҚШ долларлари (IQVIA, 12/2025)




2-график.

Ўзбекистон фармацевтика бозори ҳажми ойма-ой, млн ўрам (IQVIA, 12/2025)



3-график.

Ўрамнинг ўртача нархи ойма-ой, АҚШ долларлари ва олдинги ойга нисбатан нарх ўсиши фоизи (IQVIA, 12/2025)



4-график.

## ФАРМ БОЗОР ТАҲЛИЛИ

иштирокини мунтазам равишда кенгайтормоқда. Бундай динамика бозорнинг ҳамон ҳамён-бопликка йўналтирилганини, бироқ айти пайтда қимматроқ ва брендга оид дори воситалари томон аста-секин ривожланаётганини кўрсатади.

### 2.2. Импорт ва маҳаллий дори воситаларининг нисбати

Импорт ва маҳаллий препаратлар ҳажмининг нисбати 5-графикда келтирилган.

Қиймат кўринишида бозор асосан импортга боғлиқ бўлиб қолмоқда: тушумнинг асосий қисми (89%) импорт препаратлари ҳиссасига тўғри келади, бу уларнинг ўртача нархи юқорилиги билан изоҳланади.

Табиий кўринишда тузилма анча мувозанатли кўринади (59% импортга қарши 41% маҳаллий ишлаб чиқариш). Бу эса ҳамёнбопроқ нархларда маҳаллий препаратлар сотувининг ҳажми сезиларли эканидан далолат беради.

Шундай қилиб, импорт қиймат бўйича етакчиликни сақлаб қолаётган бўлса, маҳаллий сегмент сотилган қадоқлар сони бўйича салмоқли улушни эгаллаб, асосан ўрта ва паст нарх сегментларида жамланган.




5-график.

### 2.3. Рецепт бўйича ва рецептсиз бериладиган дори воситаларининг нисбати

6-графикда Ўзбекистонда рецепт бўйича ва рецептсиз бериладиган дори воситалари ҳажмининг нисбати акс эттирилган.

Ўзбекистон фармацевтика бозорининг тузилмаси ҳам қиймат, ҳам табиий кўринишда рецепт бўйича бериладиган препаратлар сегментининг барқарор устунлиги билан тавсифланади.

Шу билан бирга, ўсиш суръатлари қадоқлардаги ҳажм динамикасига нисбатан пул кўрсаткич-



6-график.

ларининг сезиларли даражада ошганини кўрсатмоқда. Бу ўртача нархнинг янада ўсишидан ва талабнинг аста-секин қимматроқ препаратлар томон силжишидан дарак беради. OTC сегментда ҳам сотилган қадоқлар сони-

нинг ортишига нисбатан қиймат кўринишидаги ўсиш анча юқори экани қайд этилган.

Жорий ривожланиш суръатларини ҳисобга олсак, қисқа муддатли истиқболда бозор тузилмасида рецепт бўйича бериладиган препаратлар сегментининг устунлиги сақланиб қолишини прогноз қилиш мумкин. Шу билан бирга, OTC йўналишининг юқори динамикаси сақланиб қолган тақдирда, унинг қиймат кўринишидаги улуши босқичма-босқич ўсиб, бозорни ривожлантиришнинг қўшимча драйверини шакллантиради.

### 2.4. ДВ сотувининг АТС-гуруҳлари бўйича таркиби

2025-йилда Ўзбекистонда I даражали АТС-гуруҳлари бўйича дорихона сотувлари нисбати (IQVIA маълумотларига кўра) 1-жадвалда келтирилган.

Жисмоний ҳажмда АТС-гуруҳлари бўйича сотувлар таркибида энг катта улушни қон ва қон яратиш аъзоларини даволаш учун

препаратлар (21,9%), тизимли таъсирга эга микробларга қарши воситалар (15,4%), шунингдек, овқат ҳазм қилиш тизими ва моддалар алмашинувини даволаш учун препаратлар (12,8%) эгаллайди.

Пул қийматида ҳам шунга ўхшаш концентрация сақланиб қолади, бироқ алоҳида гуруҳларнинг солиштирма ҳиссаси бошқача тақсимланади. Бу борада овқат ҳазм қилиш тизими ва моддалар алмашинувини даволаш учун воситалар (16,6%), тизимли таъсирга эга микробларга қарши препаратлар (13,2%) ҳамда қон ва қон яратиш аъзоларига таъсир қилувчи препаратлар (11,4%) етакчилик қилмоқда.

Бозорнинг пул қийматидаги ўсиш суръатларининг қадоқлар сони динамикасида юқори экани даволашнинг ўртача қиймати ошиб бораётганини ва талаб аста-секин қимматроқ сегментларга ўтаётганини кўрсатади. Демак, бозор нафақат истеъмол ҳажмининг кенгайиши, балки унинг


|   | млн қадоқда   |              |               |                   | млн USD        |              |               |                 |
|---|---------------|--------------|---------------|-------------------|----------------|--------------|---------------|-----------------|
|   | 2025          | Ўсиш, қадоқ  | MS, %, қадоқ  | Ўсиш MS, %, қадоқ | 2025           | Ўсиш, USD    | MS, %, USD    | Ўсиш MS, %, USD |
| ~   | 29,56         | 37,6%        | 3,1%          | 0,2%              | 96,81          | 83,7%        | 4,2%          | 1,0%            |
| A — Овқат ҳазм қилиш тракти ва моддалар алмашинуви  | 123,61        | 25,5%        | 12,8%         | -0,1%             | 384,53         | 42,6%        | 16,6%         | 0,4%            |
| B — Қон ва қон яратиш аъзоларига таъсир этувчи препаратлар                                    | 211,41        | 47,4%        | 21,9%         | 3,1%              | 265,46         | 24,2%        | 11,4%         | -1,4%           |
| C — Юрак қон-томир тизими   | 42,72         | 22,1%        | 4,4%          | -0,2%             | 223,48         | 38,2%        | 9,6%          | -0,1%           |
| D — Тери касалликларини даволаш учун препаратлар  | 81,04         | 6,4%         | 8,4%          | -1,6%             | 71,60          | 50,5%        | 3,1%          | 0,2%            |
| G — Сийдик-таносил тизими ва жинсий гормонлар   | 20,31         | 22,8%        | 2,1%          | -0,1%             | 101,91         | 25,7%        | 4,4%          | -0,5%           |
| H — Тизимли қўллаш учун гормонал препаратлар (жинсий гормонлар ва инсулинлар мундан мустасно) | 10,47         | 26,4%        | 1,1%          | 0,0%              | 29,16          | 47,2%        | 1,3%          | 0,1%            |
| J — Тизимли қўллаш учун микробга қарши препаратлар  | 148,79        | 12,8%        | 15,4%         | -1,9%             | 305,55         | 35,9%        | 13,2%         | -0,3%           |
| L — Ўсма ва иммунитетга таъсир этувчи препаратлар   | 12,27         | 21,5%        | 1,3%          | -0,1%             | 94,50          | 35,7%        | 4,1%          | -0,1%           |
| M — Суяк-мускул тизими  | 57,81         | 25,3%        | 6,0%          | -0,1%             | 231,75         | 41,2%        | 10,0%         | 0,1%            |
| N — Асаб тизими   | 104,88        | 32,3%        | 10,9%         | 0,5%              | 222,86         | 40,5%        | 9,6%          | 0,1%            |
| P — Паразитларга қарши препаратлар, инсектицидлар ва репеллентлар                             | 4,31          | 13,6%        | 0,4%          | -0,1%             | 6,65           | 21,8%        | 0,3%          | 0,0%            |
| R — Нафас олиш тизими   | 102,12        | 28,9%        | 10,6%         | 0,2%              | 224,91         | 47,5%        | 9,7%          | 0,6%            |
| S — Сезги аъзолари  | 11,70         | 6,8%         | 1,2%          | -0,2%             | 28,93          | 5,0%         | 1,2%          | -0,4%           |
| V — Бошқа препаратлар   | 3,90          | 74,6%        | 0,4%          | 0,1%              | 30,98          | 72,9%        | 1,3%          | 0,3%            |
| <b>Умумий жами</b>  | <b>964,90</b> | <b>26,4%</b> | <b>100,0%</b> |                   | <b>2319,07</b> | <b>39,1%</b> | <b>100,0%</b> |                 |

1-жадвал

|   | млн қадоқда    |              |               |                   | млн USD        |              |               |                 |
|---|----------------|--------------|---------------|-------------------|----------------|--------------|---------------|-----------------|
|   | 2025           | Ўсиш, қадоқ  | MS, %, қадоқ  | Ўсиш MS, %, қадоқ | 2025           | Ўсиш, USD    | MS, %, USD    | Ўсиш MS, %, USD |
| A — Оғиз орқали қабул қилинадиган оддий қаттиқ шакллар  | 883,75         | 24,6%        | 31,2%         | -0,5%             | 883,75         | 40,5%        | 38,1%         | 0,4%            |
| B — Оғиз орқали қабул қилинадиган ретард қаттиқ шакллар | 32,05          | 30,5%        | 0,5%          | 0,0%              | 32,05          | 39,0%        | 1,4%          | 0,0%            |
| D — Оддий суяқ шакллар                                  | 292,88         | 27,1%        | 8,6%          | 0,0%              | 292,88         | 52,2%        | 12,6%         | 1,1%            |
| F — Оддий парентерал шакллар                            | 752,91         | 32,9%        | 41,8%         | 2,0%              | 752,91         | 33,9%        | 32,5%         | -1,3%           |
| G — Ретард парентерал шакллар                           | 15,05          | 124,3%       | 0,0%          | 0,0%              | 15,05          | 144,2%       | 0,6%          | 0,3%            |
| H — Тизимли таъсир кўрсатувчи ректал шакллар            | 45,21          | 24,3%        | 1,3%          | 0,0%              | 45,21          | 22,0%        | 1,9%          | -0,3%           |
| I — Тизимли таъсир кўрсатувчи назал шакллар             | 2,01           | -16,9%       | 0,0%          | 0,0%              | 2,01           | -4,2%        | 0,1%          | 0,0%            |
| J — Тизимли таъсир кўрсатувчи бошқа шакллар             | 0,14           | 164,0%       | 0,0%          | 0,0%              | 0,14           | 69,9%        | 0,0%          | 0,0%            |
| K — Оғиз бўшлиғига маҳаллий қўллаш учун шакллар         | 50,22          | 10,8%        | 1,4%          | -0,2%             | 50,22          | 33,8%        | 2,2%          | -0,1%           |
| M — Маҳаллий дермотологик ва гемorroидал шакллар        | 123,04         | 9,6%         | 10,9%         | -1,7%             | 123,04         | 40,5%        | 5,3%          | 0,1%            |
| N — Офтольмологик шакллар                               | 29,04          | 7,3%         | 1,2%          | -0,2%             | 29,04          | 1,4%         | 1,3%          | -0,5%           |
| P — Қуллоққа қўлланиладиган шакллар                     | 2,50           | 1,1%         | 0,1%          | 0,0%              | 2,50           | 33,3%        | 0,1%          | 0,0%            |
| Q — Маҳаллий таъсир кўрсатувчи назал шакллар            | 51,94          | 64,0%        | 2,5%          | 0,6%              | 51,94          | 75,5%        | 2,2%          | 0,5%            |
| R — Ингаляция учун шакллар                              | 15,36          | 17,9%        | 0,3%          | 0,0%              | 15,36          | 36,8%        | 0,7%          | 0,0%            |
| T — Вагинал шакллар                                     | 22,93          | 14,4%        | 0,3%          | 0,0%              | 22,93          | 26,7%        | 1,0%          | -0,1%           |
| Z — Бошқа препаратлар                                   | 0,04           | -78,3%       | 0,0%          | 0,0%              | 0,04           | -78,9%       | 0,0%          | 0,0%            |
| <b>Умумий жами</b>                                      | <b>2319,07</b> | <b>26,4%</b> | <b>100,0%</b> |                   | <b>2319,07</b> | <b>39,1%</b> | <b>100,0%</b> |                 |

2-жадвал

## ФАРМ БОЗОР ТАҲЛИЛИ



7-график.

қиймат таркибининг мустаҳкамланиши билан ҳам тавсифланади.

### 3. Дори воситаларининг чиқарилиш шаклига қараб сотувлар тақсимооти

2025-йилда чиқарилиш шакли бўйича сотувлар таркиби перорал қўллаш учун қаттиқ шакллар ва оддий парентерал препаратлар устунлиги билан ажралиб турди (2-жадвал).

Жисмоний ҳажмда ҳам, пул қийматида ҳам энг катта улушни қуйидагилар ташкил этади:

- ➔ перорал қабул қилиш учун қаттиқ шакллар (оддий),
- ➔ парентерал шакллар,

➔ перорал қўллаш учун суюқ шакллар.

Шундай қилиб, сотувларнинг асосий қисми анъанавий, энг харидоргир чиқарилиш шаклларида жамланган бўлиб, умумий бозор бўйича ижобий динамика сақланиб қолмоқда.

### 4. Ўзбекистон фармацевтика бозорининг ҳажми (IQVIA)

Ўзбекистон фармацевтика бозорининг динамикаси (2021–2025-йиллар) 7-графикда акс этган.

2021–2024-йиллар давомида Ўзбекистон фармацевтика бозори пул қийматида ҳам, жисмоний

ҳажмда ҳам ўсиш суръатларининг тебранишлари билан кечган мўътадил ва нотекис динамика билан тавсифланди.

2025-йилда сезиларли юксалиш қайд этилди: бозор ҳажми 2 319,1 млн АҚШ долларига етиб, +39,1% ўсишни кўрсатди, реализация ҳажми эса 964,9 млн қадоққа (+26,4%) етди.

Пул қийматидаги динамиканинг жисмоний ҳажм кўрсаткичларидан илгарилаб кетиши сотилаётган маҳсулотнинг ўртача қиймати ўсганини ва бозор таркибида нарх омилнинг ҳиссаси кучайганини кўрсатади.

Шундай қилиб, 2025-йил фармацевтика бозорининг жадаллик билан ўсиш ва фаол кенгайиш босқичи бўлди.

### 5. Дори воситалари ишлаб чиқарувчилари орасидаги етакчилар

Сотувларнинг пул қийматидаги ҳажми бўйича TOP-10 компаниялар 3-жадвалда келтирилган.

Ишлаб чиқарувчилар бозорининг таркиби паст даражадаги концентрация билан ажралиб туради: етакчи компанияларнинг ҳар бирининг пул қийматидаги улуши 3–4% дан ошмайди, бу эса сегментдаги рақобат даражасининг юқори эканидан далолат беради.

Пул қийматидаги сотувлар ҳажми бўйича KRKA компанияси 81,77 млн АҚШ доллари даромад ва 3,5% бозор улуши билан етакчилик қилмоқда. WORLD MEDICINE ва FARMAKIEV ҳам барқарор ривожланиш суръатларини намойиш этиб, йирик иштирокчилар қаторига киради.

NIKA PHARM — етакчилар орасидаги ягона маҳаллий ишлаб чиқарувчи бўлиб, бозорнинг пул қийматидаги 2,5% (57,99 млн АҚШ доллари) ва жисмоний ҳажмдаги 1,0% улушини эгаллайди. Компания даромад бўйича 39,0% ва қадоқлар ҳажми бўйича 29,5% ўсишни кўрсатмоқда. Ишлаб чиқарувчи

| Номланиш             | Сумма қадоқлар, млн 2025 | Бозор улуши, қадоқлар, % | Ўсиш, қадоқлар, % | USD улгуржи савдо суммаси, млн 2025 | Бозор улуши, USD, % | Ўсиш, USD, % |
|----------------------|--------------------------|--------------------------|-------------------|-------------------------------------|---------------------|--------------|
| KRKA                 | 17,53                    | 1,8%                     | 10,4%             | 81,77                               | 3,5%                | 21,6%        |
| WORLD MEDICINE       | 13,92                    | 1,4%                     | 13,5%             | 75,78                               | 3,3%                | 25,2%        |
| FARMAK KIEV          | 16,87                    | 1,7%                     | 17,4%             | 63,62                               | 2,7%                | 42,7%        |
| SANOFI               | 16,03                    | 1,7%                     | 19,6%             | 60,59                               | 2,6%                | 24,8%        |
| MENARINI             | 20,02                    | 2,1%                     | 37,4%             | 60,10                               | 2,6%                | 56,1%        |
| GEDEON RICHTER       | 6,51                     | 0,7%                     | 13,5%             | 59,60                               | 2,6%                | 28,5%        |
| <b>NIKA-PHARM</b>    | <b>9,93</b>              | <b>1,0%</b>              | <b>29,5%</b>      | <b>57,99</b>                        | <b>2,5%</b>         | <b>39,0%</b> |
| ARTERIUM             | 5,72                     | 0,6%                     | 25,6%             | 51,79                               | 2,2%                | 35,5%        |
| ABBOTT               | 15,33                    | 1,6%                     | 72,4%             | 50,15                               | 2,2%                | 64,4%        |
| YURIA-FARM           | 11,49                    | 1,2%                     | 34,3%             | 48,32                               | 2,1%                | 49,3%        |
| <b>Умумий натижа</b> | <b>964,90</b>            | <b>100,0%</b>            | <b>26,4%</b>      | <b>2319,07</b>                      | <b>100,0%</b>       | <b>39,1%</b> |

3-жадвал

| Номланиш             | Сумма қадоқлар, млн 2025 | Бозор улуши, қадоқлар, % | Ўсиш, қадоқлар, % | USD улгуржи савдо суммаси, млн 2025 | Бозор улуши, USD, % | Ўсиш, USD, % |
|----------------------|--------------------------|--------------------------|-------------------|-------------------------------------|---------------------|--------------|
| <b>NIKA-PHARM</b>    | <b>20,02</b>             | <b>5,0%</b>              | <b>37,4%</b>      | <b>60,10</b>                        | <b>23,3%</b>        | <b>56,1%</b> |
| RADIKS NPP           | 103,37                   | 25,8%                    | 39,0%             | 40,73                               | 15,8%               | 7,2%         |
| JURABEK LAB          | 62,78                    | 15,7%                    | 19,1%             | 32,31                               | 12,5%               | -9,6%        |
| DENTAFILL PLYUS      | 70,62                    | 17,7%                    | 121,9%            | 29,74                               | 11,5%               | 50,8%        |
| TEMUR MED FARM       | 5,95                     | 1,5%                     | 36,3%             | 10,68                               | 4,1%                | 69,1%        |
| RIVER MED FARM       | 38,28                    | 9,6%                     | 68,9%             | 9,78                                | 3,8%                | -24,1%       |
| NAVBAHOR SANOAT      | 7,40                     | 1,8%                     | 3,7%              | 7,14                                | 2,8%                | 26,8%        |
| UZGERMED FARM        | 0,85                     | 0,2%                     | 413,1%            | 7,09                                | 2,7%                | 1053,7%      |
| ASIA IMMUNOPREP.     | 0,50                     | 0,1%                     | 130,8%            | 5,32                                | 2,1%                | 161,2%       |
| NOVA PHARM           | 12,42                    | 3,1%                     | 17,3%             | 5,18                                | 2,0%                | 29,6%        |
| <b>УМУМИЙ НАТИЖА</b> | <b>399,99</b>            | <b>100,0%</b>            | <b>30,8%</b>      | <b>258,27</b>                       | <b>100,0%</b>       | <b>24,9%</b> |

4-жадвал

## ФАРМ БОЗОР ТАҲЛИЛИ

| Номланиш             | Сумма қадоқлар, млн 2025 | Бозор улуши, қадоқлар, % | Ўсиш, қадоқлар, % | USD улгуржи савдо суммаси, млн 2025 | Бозор улуши, USD, % | Ўсиш, USD, %  |
|----------------------|--------------------------|--------------------------|-------------------|-------------------------------------|---------------------|---------------|
| L-LYSINE AESCINATE   | 2,32                     | 0,2%                     | 62,7%             | 33,00                               | 1,4%                | 78,3%         |
| <b>RINOKSIL</b>      | <b>10,36</b>             | <b>1,1%</b>              | <b>80,9%</b>      | <b>25,91</b>                        | <b>1,1%</b>         | <b>106,3%</b> |
| EVRYSDI              | 0,00                     | 0,0%                     | 0,0%              | 22,94                               | 1,0%                | 0,0%          |
| NATRIUM CHLORIDUM    | 81,62                    | 8,5%                     | 69,0%             | 20,19                               | 0,9%                | -27,5%        |
| REOSORBILACT         | 8,19                     | 0,8%                     | 90,2%             | 19,01                               | 0,8%                | 85,4%         |
| VIFERON              | 3,02                     | 0,3%                     | 2,3%              | 16,27                               | 0,7%                | 9,9%          |
| MAGNE B6             | 1,23                     | 0,1%                     | 8,7%              | 14,95                               | 0,6%                | 58,7%         |
| TYLOLFEN HOT         | 2,58                     | 0,3%                     | 42,7%             | 14,12                               | 0,6%                | 51,1%         |
| QUPEN                | 3,12                     | 0,3%                     | 2,2%              | 14,10                               | 0,6%                | 9,9%          |
| TIVORTIN             | 4,06                     | 0,4%                     | 66,3%             | 14,09                               | 0,6%                | 51,6%         |
| <b>Умумий натижа</b> | <b>964,90</b>            | <b>100,0%</b>            | <b>26,4%</b>      | <b>2319,07</b>                      | <b>100,0%</b>       | <b>39,1%</b>  |

5-жадвал

| Номланиш             | Сумма қадоқлар, млн 2025 | Бозор улуши, қадоқлар, % | Ўсиш, қадоқлар, % | USD улгуржи савдо суммаси, млн 2025 | Бозор улуши, USD, % | Ўсиш, USD, %  |
|----------------------|--------------------------|--------------------------|-------------------|-------------------------------------|---------------------|---------------|
| <b>RINOKSIL</b>      | <b>10,36</b>             | <b>2,6%</b>              | <b>80,9%</b>      | <b>25,91</b>                        | <b>10,0%</b>        | <b>106,3%</b> |
| NATRIUM CHLORIDUM    | 81,30                    | 20,3%                    | 73,8%             | 19,98                               | 7,7%                | -25,7%        |
| <b>RINOMAKS</b>      | <b>3,55</b>              | <b>0,9%</b>              | <b>80,7%</b>      | <b>12,54</b>                        | <b>4,9%</b>         | <b>108,3%</b> |
| ISOTONIK             | 41,05                    | 10,3%                    | 46,3%             | 9,39                                | 3,6%                | -25,8%        |
| ORSA                 | 6,03                     | 1,5%                     | 28,0%             | 6,73                                | 2,6%                | 23,3%         |
| L-LYSINE AESCINATE   | 0,48                     | 0,1%                     | 1116,2%           | 6,61                                | 2,6%                | 1511,8%       |
| AMOXICILLIN          | 8,68                     | 2,2%                     | 57,7%             | 6,01                                | 2,3%                | 73,9%         |
| ACIDUM ASCORBINICU   | 15,89                    | 4,0%                     | 26,7%             | 5,22                                | 2,0%                | 13,8%         |
| CIPROFLOXACIN        | 1,23                     | 0,3%                     | 27,5%             | 4,96                                | 1,9%                | 0,1%          |
| RHEASARBILACTAT      | 3,57                     | 0,9%                     | 35,8%             | 4,86                                | 1,9%                | 39,5%         |
| <b>Умумий натижа</b> | <b>399,99</b>            | <b>100,0%</b>            | <b>30,8%</b>      | <b>258,27</b>                       | <b>100,0%</b>       | <b>24,9%</b>  |

6-жадвал

динамикаси пул ҳажмининг жисмоний ҳажмга нисбатан илгариллаб кетиши каби умумий бозор тенденциясини акс эттиради.

### 6. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар орасидаги етакчилар

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг TOP-10 талиги 4-жадвалда келтирилган.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар сегменти нисбатан юқори концентрация билан тавсифланади: сотувларнинг катта қисми бир нечта асосий компаниялар ҳиссасига тўғри келади.

NIKA PHARM ва RADIKS NPP компаниялари жисмоний ҳажмда ҳам, пул қийматида ҳам салмоқли улушни шакллантириб, энг барқарор мавқени эгаллаб турибди. Шу билан бирга, бир қатор компаниялар ўртача бозор кўрсаткичларидан юқори ўсиш суръатларини намойиш этмоқда, бу эса маҳаллий иштирокчиларнинг ўз мавқеларини фаол мустаҳкамлаб бораётганини кўрсатади.

Умуман олганда, маҳаллий сегмент барқарор ижобий динамикани сақлаб қолмоқда ва фармацевтика бозори таркибидаги ўрнини босқичма-босқич мустаҳкамламоқда.

### 7. Брендлар орасидаги етакчилар

Сотувлар ҳажми бўйича энг кўзга кўринган ўринларни RINOKSIL, L-LYSINE AESCINATE ва EVRYSDI брендлари эгаллайди (5-жадвал).

2025-йилда RINOKSIL бозорнинг етакчи брендлари орасида энг юқори ўсиш динамикаларидан бирини намойиш этмоқда. Реализация ҳажми 10,36 млн қадоққа етди, бу жисмоний ҳажмдаги 1,1% улушга тўғри келади, ўсиш суръати эса 80,9% ни ташкил этиб, ўртача бозор кўрсаткичи (+26,4%) дан анча юқори бўлди.

Пул қийматида RINOKSIL сотувлари 25,91 млн долларга етди ва бозор улуши ҳам худди шундай 1,1% ни ташкил қилди. Айниқса, даромад динамикаси эътиборга лойиқ — +106,3%, бу бозорнинг пул қийматидаги умумий ўсиш суръати (+39,1%) дан икки баравардан кўпроққа юқоридир.

### 8. Маҳаллий брендлар орасидаги етакчилар

2025-йилда маҳаллий брендлар Ўзбекистон фармацевтика бозорида сезиларли улушни эгаллаб, натурал ифодада +30,8% ўсиш суръати

билан 399,99 млн дона қадоқ сотилишини таъминлади. Қиймат ифодасида эса савдо ҳажми +24,9% ўсиш билан 258,27 млн АҚШ долларига етди, бу маҳаллий сегментнинг, айниқса, қадоқлар ҳажми бўйича барқарор ривожланаётганини тасдиқлайди (6-жадвал).

Маҳаллий брендлар орасида RINOKSIL етакчилик қилиб, бозорнинг натурал ифодадги 2,6 фоизини ва маҳаллий сегментнинг қиймат таркибидаги 10,0 фоизини ташкил этмоқда. Савдо ҳажми 10,36 млн дона қадоққа (+80,9%) ва 25,91 млн АҚШ долларига (+106,3%) етди. Тушум динамикасининг натурал кўрсаткичларга нисбатан юқорилиги бренднинг қимматроқ нарх сегментига ўтаётганидан далолат беради.

Натурал ифодадги улуши бўйича иккинчи ўринни NATRIUM CHLORIDUM бирлашган бренди эгаллайди (қадоқларнинг 20,3%), бироқ унинг қиймат таркибидаги ҳиссаси анча паст (7,7%). Шу билан бирга, тушум динамикаси салбийлигича қолмоқда (-25,7%), бу эса паст маржали сегментнинг ўзига хослигини акс эттиради.

RINOMAKS натурал ифодадги 0,9% улуш билан қиймат таркибининг 4,9 фоизини ташкил этиб, тушумнинг сезиларли даражада ўсганини (+108,3%) намойиш этмоқда. Бундай динамика бренднинг нарх борасидаги мавқеи мустаҳкамланиб, юқори нарх сегментига ўтаётганини кўрсатади.

Шундай қилиб, маҳаллий сегментнинг таркиби ҳамон савдо ҳажми юқори бўлган оммабоп препаратларга йўналтирилган. Бироқ айнан RINOKSIL ўз мавқеини сифат жиҳатидан мустаҳкамлаётганини кўрсатиб, 2025-йилнинг энг жадал ривожланаётган маҳаллий брендларидан бири сифатида бозорнинг қиймат таркибида муҳим ўсиш нуқтасини шакллантирмоқда.

2025-йил якунларига кўра, Ўзбекистон фармацевтика бозорида ўсишнинг жадаллашгани, пул ифодасидаги илғор динамика ва нарх таркибининг босқичма-босқич мураккаблашуви кузатилди. Рецепт бўйича бериладиган дори воситалари сегменти устунлигини сақлаб қолган ҳолда, рецептсиз (OTC) йўналиши ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг мавқеи кучайиб, янги ўсиш нуқталарини юзага келтирмоқда.

## ФАРМАЦЕВТИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

# Ўзбекистон фармацевтика соҳасидаги муҳим воқеалар шарҳи, 2026 йил февраль

2026 йил январида Ўзбекистон фармацевтика бозори учун қоидаларни кучайтириш ва ислоҳотларни тезлаштириш билан ажралиб турди: давлат нархларга референтли нарх белгилаш ва савдо қўшимчаларига чекловлар орқали босимни кучайтирмоқда, назоратнинг рақамли доираларини кенгайтирмоқда (электрон рецептлар, электрон харидлар, маркировка талаблари) ва шу билан бирга ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва инвестициялар жалб қилишни рағбатлантирмоқда.

Екатерина Доронкина

### Ўзбекистонда электрон рецептлар жорий этилмоқда

2025 йил декабрь ойидан мамлакат дорихоналарида рақамли тиббиёт платформаси орқали дори воситаларини онлайн рецептлар асосида сотиш бўйича тажриба лойиҳаси йўлга қўйилди. 2027 йилга келиб электрон рецептлар бутун Ўзбекистон ҳудудида мажбурий бўлиши кутилмоқда. Бу фармацевтика таъминоти тизимининг шаффофлигини ошириш ва дори воситаларининг берилиши устидан назоратни кучайтириш имконини беради.

### Дори нархларини пасайтириш режалаштирилмоқда

2026 йил бошидан 2,6 мингга яқин рецепт асосида бериладиган дори воситаларининг ўртача

нархини 40–50 фоизга тушириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу чора давлат харидлари доирасида дори воситаларининг арзонлашишига эришиш ва тендер тизимини такомиллаштиришга қаратилган.

### World Health Expo (WHE Dubai) 2026

2026 йил февраль ойида Дубайда соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасидаги энг йирик халқаро тадбирлардан бири — World Health Expo (WHE Dubai) бўлиб ўтди. У бутун дунёдан минглаб ишлаб чиқарувчилар, дистрибьюторлар ва инвесторларни бир жойга тўплади. Кўргазма анъанавий тарзда янги дори воситалари, тиббий технологиялар, рақамли ечимлар ва фармацевтика ишлаб чиқаришидаги

инновацияларни тақдим этиш учун платформа вазифасини ўтайди.

Тадбирнинг бизнес дастури доирасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, контракт асосида ишлаб чиқариш, экспорт етказмаларини кўпайтириш ҳамда фармацевтика соҳасида жараёнларни рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини қўллаш каби инновацион ечимларни жорий этишга алоҳида урғу берилди.

**NIKA PHARM** компанияси ҳам кўргазмада иштирок этиб, ўзининг дори воситалари портфелини намойиш этди ҳамда Яқин Шарқ, Осиё ва Европа мамлакатларидан бўлган салоҳиятли ҳамкорлар билан бир қатор музокаралар ўтказди. WHE Dubai кўргазмасидаги иштирок компаниянинг экспорт йўналишини

мустаҳкамлашга, ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришга ва маҳаллий маҳсулотларга хорижий бозорларнинг қизиқиши юқори эканини тасдиқлашга хизмат қилди.

**БУНДАЙ ЮКСАК ДАРАЖАГА ЭГА ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ИШТИРОК МАМЛАКАТИМИЗ ФАРМАЦЕВТИКА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ЖАҲОН ПРОФЕССИОНАЛ ҲАМЖАМИЯТИГА ИНТЕГРАТСИЯЛАШУВИ КУЧАЙИБ БОРАЁТГАНИНИ КЎРСАТАДИ ВА МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ГЕОГРАФИЯСИНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ИМКОНИАТЛАР ЯРАТАДИ.**



# ПРОСТОНОРМ



**ПРОСТАТИТ, УРЕТРИТ, СИЙДИК-ТОШ КАСАЛЛИГИ, ИМПОТЕНЦИЯ ВА БЕПУШТЛИКДА СИЙДИК-ТАНОСИЛ ТИЗИМИНИНГ ЯЛЛИҒЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХАВФИНИ КАМАЙТИРАДИ, ЭРКАКЛАРНИНГ ПОТЕНЦИЯСИ ВА ЛИБИДОСИНИ ОШИРИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ.**

- ЭРКАКЛАРНИНГ ПОТЕНЦИЯСИНИ ВА ЛИБИДОСИНИ ОШИРИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ
- КУЧЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ
- СИЙДИК-ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРИДА ҚОН АЙЛАНИШИНИ ЯХШИЛАЙДИ
- СПАЗМОЛИТИК, ДИУРЕТИК, АНТИОКСИДАНТ ТАЪСИРГА ЭГА
- ИММУНИТЕТНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ



## ГРИПП ВА ШАМОЛЛАШ

# Риномакс Хот: ЎРВИ пайтида компонентлар синергияси

Ўткир респиратор вирусли инфекциялар (ЎРВИ) тиббий ёрдам учун мурожаат қилишнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Мавсумий тебранишлар ва бир нечта респиратор патогеннинг айланиши касалланишнинг ҳар йилги тўлқинларига олиб келади. Беморлар юқори ҳарорат, бурун битиши, ҳолсизлик, мушак ва бўғимлардаги оғриқ каби аломатлар билан мурожаат қилади. Бундай ҳолларда бемор аҳволини тезда енгиллаштирадиган ва яхшилайдиган даволаш чорасига муҳтож бўлади.

Камила Рахманова

## Шамоллаш анатомияси: вирус хужумининг яширин механизми

ЎРВИ — риновируслар, грипп, коронавируслар, аденовируслар, РСВ ва бошқалар каби касалликларни ўз ичига олган атамадир. Замонавий тадқиқотлар баҳоларига кўра, юқори нафас йўллари инфекциялари билан касалланиш кўрсаткичлари ҳар 100 000 аҳоли жон бошига ўн минглаб ҳолатни ташкил этади.

**ЎРВИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ НАЗОРАТ ХИЗМАТИ МАЪЛУМОТЛАРИГА КЎРА, МАВСУМ ДАВОМИДА ТЕКШИРИЛГАН БЕМОРАЛ ОРАСИДА ЛАБОРАТОРИЯ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН ГРИПП ҲОЛАТЛАРИНИНГ УЛУШИ ТАХМИНАН 9–11% НИ ТАШКИЛ ҚИЛИШИ МУМКИН, АНИҚЛАНГАН ВИРУСЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ЭСА ХИЛМА-ХИЛДИР. БУ МАЪЛУМОТЛАР ҲАМ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАР, ҲАМ САМАРАЛИ СИМПТОМАТИК ТЕРАПИЯ ЗАРУРЛИГИНИ КЎРСАТАДИ.**

## ЎРВИ профилактикаси қуйидагиларни ўз ичига олувчи кўп босқичли жараён:

Вакцинация — грипп учун: ҳар йили мавсумий эмлаш хавф гуруҳлари (кекса ёшдагилар, ҳомиладор аёллар, сурункали касалликлари бор беморлар, болалар) учун тавсия этилади. Вакцинация грипп инфекцияларининг оғир кечиши ва асоратларини камайтиради.

Гигиена чоралари — қўлларни мунтазам ювиш, йўталиш ва аксириш вақтида бир марталик салфеткалардан фойдаланиш, хоналарни шамоллатиш ҳамда сиртларга ишлов бериш вирусларнинг маиший йўл билан юқишини сезиларли даражада камайтиради.

Касаллик авж олган даврда мулоқотни чеклаш — иложи борича, айниқса, оила аъзоларида касаллик аломатлари кузатилса, одамлар гавжум жойлардан сақланиш.

Маҳаллий ва умумий иммунитетни мустаҳкамлаш — тўғри овқатланиш, етарли даражада ухлаш, меъърий жисмоний фаоллик, кўрсатмаларга асосан витаминлар қабул қилиш (масалан, танқислик ҳолатларида С витамини).

Эрта симптоматик терапия — иситма, кучли бош оғриғи, буруннинг қаттиқ битиши ва томоқ оғриғининг дастлабки белгиларида симптомларни енгиллаштириш ва асоратларнинг олдини олиш учун мавжуд ҳамда синалган воситаларни ўз вақтида қўллаш. Миллий назорат тизимлари бирламчи тиббий ёрдамга тушадиган юкломани камайтириш учун эрта ташхис қўйиш ва тўғри даволаш муҳимлигини таъкидлайди.

## «Риномакс Хот»: шамоллаш ўз ечимини топганда

ЎРВИ симптоматик терапияси учун мўлжалланган воситалар орасида ҳароратни тез ва комплекс равишда туширадиган, оғриқ синдромини камайтирадиган, бурун битишини енгиллаштирадиган ва беморнинг умумий аҳволини яхшилайдиган препаратларнинг бўлиши муҳим. «Риномакс Хот» — ичиш учун илиқ эритма тайёрланадиган кукун бўлиб, у иситма, оғриқ синдроми, бурун битиши, томоқ ва бурун ёндош бўшлиқларидаги оғриқлар билан кечадиган юқори нафас йўлларидаги ўРК, ЎРВИ, грипп каби юқумли-яллиғланиш касалликларида қўлланадиган мажмуавий таъсирга эга восита сифатида тавсия этилади.

## «Риномакс Хот» формуласининг намунавий таркибига қуйидагилар кирди:

➔ **ПАРАЦЕТАМОЛ (АНАЛЬГЕТИК ВА ИСИТМА ТУШИРУВЧИ) – ҲАРОРАТНИ ТЕЗ ПАСАЙТИРАДИ ВА**

**ОҒРИҚНИ КАМАЙТИРАДИ; УНИНГ ТИЗИМЛИ ТАЪСИРИ ИСИТМАЛИ ВА ОҒРИҚЛИ СИНДРОМЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.**

➔ **ФЕНИЛЕФРИН (ПЕРИФЕРИК ДЕКОНГЕСТАНТ) – БУРУН ШИЛЛИҚ ҚАВАТИДАГИ ҚОН ТОМИРЛАРИНИ ТОРАЙТИРИБ, ШИШНИ КАМАЙТИРАДИ ВА БУРУН ОРҚАЛИ НАФАС ОЛИШНИ ЕНГИЛЛАШТИРАДИ; АЙНИҚСА, БУРУННИНГ ҚАТТИҚ БИТИШИДА ФОЙДАЛИДИР.**

➔ **АСКОРБИН КИСЛОТАСИ (ВИТАМИН С) – ШАМОЛЛАШ ҲОЛАТЛАРИДА АНТИОКСИДАНТ ҲИМОЯНИ ВА ИММУНИТЕТ ЗАХИРАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН ЁРДАМЧИ КОМПОНЕНТ.**

➔ **КОФЕИН – ОҒРИҚ ҚОЛДИРУВЧИ ТАЪСИРНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА ИСИТМА ВА АНАЛЬГЕТИКЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БИЛАН БИРГА КЕЧАДИГАН УЙҚУЧАНЛИКНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН ЁРДАМЧИ МОДДА (АДЖУВАНТ) СИФАТИДА ТАЪСИР КЎРСАТИШИ МУМКИН.**

Бу компонентлар биргаликда синергик таъсир намоён этади: парацетамол иситма ва оғриқ синдромини енгиллаштиради; фенилефрин маҳаллий шишни камайтиради; аскорбин кислота ва кофеин эса умумий аҳволнинг тикланишини қўллаб-қувватлаш ва тезлаштириш орқали клиник самарани тўлдиради. Бундай мажмуа «Риномакс Хот»ни катталар ва 12 ёшдан ошган ўсмирларда симптоматик терапия учун қулай танловга айлантиради.

Ҳароратни тушириш, оғриқни енгиллаштириш, бурун битишини камайтириш ва бурун орқали

нафас олишни яхшилаш, иммун тизимини қўллаб-қувватлаш ва тикланишни тезлаштириш, умумий тонусни сақлаш — буларнинг барчаси «Риномакс Хот» препаратининг бой таркибий қисмлари таъминлайдиган комплекс ечимдир.

## Ушбу препаратнинг афзалликларини алоҳида таъкидлаш лозим:

- ➔ Шамоллашнинг илк аломатларидаёқ тез таъсир кўрсатади.
- ➔ Томоқ оғриғида илиқ эритмани ичиш қулай.
- ➔ Таркибий қисмларнинг уйғунлиги нафақат тана ҳароратини туширади, балки касаллик белгиларини комплекс равишда енгиллаштиради.

**«РИНОМАКС ХОТ» ТУРКУМИДАГИ ПРЕПАРАТЛАР GMP ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ ВА ASKLEPIY GROUP КОМПАНИЯЛАР ГУРУҲИГА КИРУВЧИ МАҲАЛЛИЙ ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИСИ – NIKA PHARM КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ. БУ ЭСА ПРЕПАРАТНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИДАГИ СИФАТИ ВА ИШОНЧЛИЛИГИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.**

ЎРВИ аҳоли саломатлиги учун долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Комплекс ёндашув, яъни профилактика, ўз вақтида кўрсатилган ёрдам ва тўғри симптоматик даволаш касаллик енгил кечишини таъминлайди. «Риномакс Хот» каби мажмуавий воситалар асосий белгилар (иситма, оғриқ, бурун битиши) ни тезда бартараф этади ва қарши кўрсатмалар бўлмаганда амбулатор амалиётда фойдали бўлиши мумкин. Препаратни қўллашдан аввал дори воситаларининг ўзаро таъсирини инобатга олиш ва тавсия этилган дозани оширмастик муҳим.

# РиноМакс®



**ШАМОЛЛАШНИ НАЗОРАТ**

**ОСТИГА ОЛИНГ!**



Бош  
оғриғи



Юқори тана  
ҳарорати



Зирқираб оғриш  
ва титроқ



Томоқдаги ва бурун  
бўшлиқларидаги  
оғриқ



## КАРДИОЛОГИЯ

# L-аргинин: аминокислотанинг замонавий фармакотерапиядаги аҳамияти ва клиник қўлланиш имкониятлари

Сардор Султаниязов

## L-аргининнинг кашф этилиш тарихи

L-аргинин шартли равишда алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар сирасига кирди ва организмдаги кўплаб физиологик жараёнларни тартибга солишда муҳим ўрин тутди. Илмий ҳамжамиятда бу моддага бўлган қизиқиш бир асрдан кўпроқ вақт аввал шакланган ва унинг янги таъсир механизмлари кашф этилаётгани туфайли ортиб бормоқда.

L-аргинин илк бор 1886 йилда немис кимёгари Эрнст Шульце ва ёрдамчиси Эрнст Штайгер томонидан люпин майсаларидан ажратиб олинган. Олимлар бу моддани ўсимликларнинг оқсилли бирикмаларини тадқиқ қилиш чоғида аниқлашган. Айнан улар латинча “*argentum*” (“кумуш”) сўзидан олинган “аргинин” номини таклиф қилишган. Бунга сабаб аргинин тузларининг айрим кимёвий реагентлар билан таъсирлашганда ўзига хос кумушранг кристаллар ҳосил қилишидир.

XIX аср охири — XX аср бошларида олимлар аминокислотанинг кимёвий тузилишини аниқлаб, унинг оқсил алмашинувида иштирок этишини тасдиқлашди. Бироқ L-аргининга бўлган ҳақиқий илмий қизиқиш анча кейинроқ юзага келди.

L-аргинин қон томирлари тонусини тартибга солишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга биологик фаол молекула — азот оксиди (NO) нинг ўтмишдоши экани кашф этилишида туб бурилиш ясади. Азот оксиди қон томирларининг эндотелиал ҳужайраларида L-аргининдан NO-синтаза ферменти ёрдамида синтезланади.

Бу кашфиёт физиология ва тиббиёт соҳасидаги энг муҳим кашфиётлардан бирига айланди. 1998 йилда Роберт Ферчготт, Луис Игнаро ва Ферид Мурад азот оксидининг юрак-қон томир тизимидаги сигнал молекуласи сифатидаги ролини ўргангани учун физиология ва тиббиёт йўналиши бўйича Нобел мукофотига сазовор бўлишди.

Ўшандан буён L-аргинин қон томирлари фаолияти, иммун реакциялари, моддалар алмашинуви ва организмни детоксикация қилиш жараёнларига таъсир кўрсата оладиган фармакологик восита сифатида фаол ўрганилмоқда.

## L-аргининнинг физиологик роли

L-аргинин организмдаги кўплаб биокимёвий жараёнларда иштирок этади. Аминокислотанинг асосий физиологик функцияларига қуйидагилар кирди:

### 1. Азот оксиди (NO) синтези

Азот оксиди қон томирлари девори тонусини тартибга солувчи муҳим вазодилататордир. У қон томирларининг кенгайишига ёрдам беради, қон оқими яхшилайдиган ва тромботсилар агрегациясига тўсқинлик қилади.

### 2. Карбамид (мочевина) циклида иштирок этиши

L-аргинин аммиакни зарарсизлантириш жараёнида муҳим ўрин тутди. Жигарда ушбу аминокислота карбамид циклида иштирок этиб, заҳарли аммиакни организмдан чиқариладиган хавфсиз карбамидга айлантиришга кўмаклашади.

### 3. Иммун тартибга солиниши

Аргинин иммун ҳужайралар, жумладан, макрофаглар ва Т-лимфоцитлар фаоллигига таъсир кўрсатади, бу эса уни иммун жавобининг муҳим унсурига айлантиради.

### 4. Биологик фаол бирикмалар синтези

L-аргинин қуйидаги моддаларнинг ҳосил бўлишида иштирок этади:

- ➔ креатин
- ➔ полиаминлар
- ➔ пролин
- ➔ глутамат

Бу бирикмалар энергия алмашинуви, тўқималар ўсиши ва регенерацияси учун зарурдир.

### 5. Тўқималар регенерацияси

Аргинин коллаген синтезини рағбатлантиради ва тўқималарнинг битиш жараёнларини тезлаштиради.

Ушбу хусусиятлари туфайли аминокислота юрак-қон томир, иммун ва метаболик тизимларнинг меъёрдаги фаолиятини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

## L-аргининнинг клиник амалиётда қўлланиши

Замонавий тиббиётда L-аргинин турли касалликларни мажмуавий даволаш таркибида қўлланилади.

Юрак-қон томир касалликлари. L-аргининнинг қўлланишидаги асосий соҳалардан бири кардиологиядир.

Аминокислота қуйидагиларга ёрдам беради:

- ➔ қон томирларининг эндотелиал функциясини яхшилашга
- ➔ қон томирларини кенгайтиришга
- ➔ периферик томирлар қаршиликларини пасайтиришга
- ➔ микросиркулятсияни яхшилашга

L-аргинин қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

- ➔ юрак ишемик касаллиги
- ➔ артериал гипертензия
- ➔ сурункали юрак етишмовчилиги
- ➔ атеросклероз
- ➔ эндотелиал дисфункция

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, азот оксиди синтезининг яхшиланиши томирлар реакциясининг меъёрлашишига ва томир асоратлари хавфининг камайишига ёрдам беради.

Периферик қон айланишининг бузилишлари. L-аргинин микросиркулятсия ва тўқималар перфузиясини яхшилайдиган, шу сабабли қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

- ➔ диабетик ангиопатия
- ➔ периферик томирлар касалликлари
- ➔ микросиркулятсия бузилишлари
- ➔ тўқималарнинг трофик бузилишлари

Қон таъминотининг яхшилаши тўқималарнинг тикланишига ва гипоксиянинг камайишига ёрдам беради.

Жигар касалликлари. Гепатологияда L-аргинин аммиакни зарарсизлантиришда иштирок этиш қобилияти туфайли қўлланилади.

Қўллашга кўрсатмалар:

- ➔ жигарнинг токсик шикастланишлари
  - ➔ сурункали гепатитлар
  - ➔ жигарнинг ёғли касаллиги
  - ➔ интоксикациялар
- Аргининнинг карбамид циклида иштирок этиши организмга тушадиган токсик юкломани камайтиришга ёрдам беради.

Тикланиш жараёнлари. L-аргинин қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

- ➔ операциядан кейинги тикланиш даврида
- ➔ сурункали чарчоқда
- ➔ иммунитет пасайганда
- ➔ юқори жисмоний зўриқишларда

Аминокислота тўқималарнинг регенерация ва тикланиш жараёнларини тезлаштиради.

## “Тивомакс Дарница” — L-аргининнинг замонавий препараты

L-аргинин асосидаги замонавий препаратлардан бири “Тивомакс Дарница” ҳисобланади.

“Тивомакс” таркибида L-аргининнинг оптимал терапевтик концентрацияси мавжуд бўлиб, бу яққол фармакологик самара беради.

Препаратнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- ➔ оптимал танланган доза
- ➔ таъсир этувчи модданинг юқори биологик ўзлаштирилувчанлиги
- ➔ организм томонидан яхши қабул қилиниши
- ➔ замонавий ишлаб чиқариш технологияси

Ушбу хусусиятлари туфайли “Тивомакс Дарница” L-аргинин асосидаги энг самарали воситалардан бири ҳисобланади ва юрак-қон томир, метаболик ва қон томир касалликларини мажмуавий даволашда қўлланилиши мумкин.

Препарат қуйидагиларга ёрдам беради:

- ➔ қон томирлари тонусини яхшилашга
- ➔ микроциркуляцияни меъёрлаштиришга
- ➔ эндотелиал дисфункцияни камайтиришга
- ➔ тўқималар метаболизмини яхшилашга.

**“Дарница” — фармацевтика соҳасида Украина етакчиси**

“Тивомакс” препарати Украинадаги энг йирик дори воситалари ишлаб чиқарувчиларидан бири бўлган “Дарница” компанияси томонидан ишлаб чиқарилади. Компанияга 1930 йилда асос солинган бўлиб, ўтган ривожланиш йиллари давомида минтақадаги етакчи фармацевтика корхоналаридан бирига айланди.

“Дарница” — бир асрга яқин тарихга эга бўлган Украинанинг энг қадимий ва йирик фармацевтика корхоналаридан биридир. Фаолияти давомида компания кичик институтсионал ишлаб чиқаришдан йирик ҳажмдаги дори-дармонларни ишлаб чиқарадиган ва уларни халқаро бозорларга етказиб берадиган йирик замонавий фармацевтика корхонасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Бугунги кунда завод халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланади.

**Препаратни қўллаш усули ва дозалари**

“Тивомакс”ни қўллаш усули клиник ҳолатга боғлиқ. Одатда

препарат курс тарзида қўлланилади.

Қўллаш бўйича тавсиялар:

Катталарга препарат кўрсатмалар ва беморнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда индивидуал дозада буюрилади.

L-аргининнинг ўртача терапевтик дозаси бир суткага 2–6 г ни ташкил этади.

Даволаш курси одатда 2 ҳафтадан 4 ҳафтагача давом этади, зарурат туғилганда шифокор тавсиясига кўра узайтирилиши мумкин.

Қўллашдан олдин мутахассис билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

L-аргинин — қон томирлар тонуси, моддалар алмашинуви ва организмнинг иммун реак-

цияларини тартибга солишда иштирок этувчи энг муҳим аминокислоталардан биридир. Унинг азот оксиди синтезини рағбатлантириш хусусияти ушбу аминокислотани юрак-қон томир тизими саломатлигини сақлашда асосий воситага айлантиради.

**“Тивомакс Дарница”**

каби L-аргинин асосидаги замонавий препаратлар ушбу аминокислотанинг терапевтик салоҳиятидан клиник амалиётда самарали фойдаланиш имконини беради. Ишлаб чиқаришнинг юқори сифати, оптимал таркиби ва исботланган самарадорлиги препаратни турли касалликларни комплекс даволашда истиқболли воситага айлантиради.

ИНФУЗИЯ УЧУН ЭРИТМА 100 МЛ

# ТИВОМАКС

Arginine hydrochloride

## 42 мг/мл



Европа сифати



Аргининни Украинадаги етакчи ишлаб чиқарувчиси



Даволаш курси учун қулай нарҳ



МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН



## ТИВОМАКС-ДАРНИЦА

Arginine hydrochloride

### 42 мг/мл

Внутривенно

Раствор для инфузий  
100 мл

**ДАРНИЦА**

## АНТИСЕПТИК ЭРИТМА

# Дерматология ва эстетик тиббиётда замонавий антисептиклар қулланилиши

Инсон териси бизни ташқи муҳитнинг тажовузкор таъсиридан ҳимоя қиладиган, терморегуляцияда иштирок этадиган, D витамини синтезлайдиган ва яна ўнлаб бошқа вазифаларни бажарадиган ўта мураккаб тизим, аъзодир. Шу боис терида бирон бир муаммо юзага келса, бу дарҳол ҳаёт сифатига таъсир қилиши табиий. Статистик маълумотларга кўра, тери патологияларининг қарийб 95% ички аъзолар фаолиятидаги бузилишлар билан боғлиқ. Бу шуни англатадики, тери муаммолари камдан-кам ҳолларда алоҳида намоён бўлади — улар кўпинча организмдаги чуқурроқ жараёнлардан дарак беради. Бугунги мақоламизда теримиз саломатлигига қандай ғамхўрлик қилиш кераклигини кўриб чиқамиз.

Камила Рахманова

Бугунги кунда дерматология даволаш усулларининг кенг арсеналига эга. Албатта, ҳар бир беморга нафақат касалликнинг ташқи омиллари, балки ички сабабларини ҳам ҳисобга олган ҳолда, комплекс ва индивидуал ёндашиш керак.

## Медикаментоз терапия

Тизимли дори терапияси кўплаб дерматологик касалликларни даволашда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ташхисга қараб, қуйидагилар тайинланиши мумкин:

➔ Яллиғланишга қарши препаратлар — яллиғланиш жараёнининг фаоллигини пасайтириш учун

➔ Антибактериал воситалар — терининг бактериал инфекцияларига қарши

➔ Замбурғларга қарши препаратлар — турли жойлашувдаги микозларни даволаш учун

➔ Иммуномодуляторлар — организмнинг иммун жавобини мувофиқлаштириш учун

Тизимли терапия одатда касалликнинг ўткир босқичида тайинланади ва таблеткалар, инъекциялар ёки инфузияларни ўз ичига олиши мумкин.

## Маҳаллий даволаш

Сиртки воситалар: кремлар, малҳамлар, геллар, эритмалар дерматологияда асосий ўринни эгаллайди. Улар терининг зарарланган жойларига бевосита таъсир кўрсатиб, қичишиш, ачишиш, оғриқ каби аломатларни тезда енгиллаштириш имконини беради. Маҳаллий препаратлар таркибида антисептиклар, яллиғланишга қарши компонентлар, регенератсияловчи моддалар бўлиши мумкин.

## Физиотерапевтик усуллар

Замонавий дерматология физиотерапиядан фаол фойдаланади: UV-нурланиш, лазер терапияси, криотерапия, дарсон-

вализация шулар жумласидан. Бу усуллар акне, псориаз, экзема, себореяли дерматит ва бошқа касалликларни енгиллаштиради. Муҳими, физиотерапия кўпинча медикаментоз даволаш самарасини кучайтиради.

## Косметологик муолажалар

Юзни механик, ультратовуш ва лазер ёрдамида тозалаш каби муолажалар дерматология ва косметология туташган соҳада жойлашган. Улар қотиб кетган ҳужайраларни йўқотиш ва тери тешиқларини тозалаш ҳисобига терини янгилайди. Бироқ барқарор натижага эришиш учун одатда бир неча муолажадан иборат курс талаб этилади ва уларнинг ҳар бирининг нархи анча юқори бўлиши мумкин.

## Диетотерапия

Тери касалликларини даволашда тўғри овқатланишнинг ролини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Кўпгина патологиялар негизда ошқозон-ичак йўллари фаолияти ва моддалар алмашинувининг бузилиши ётади. Бу, айниқса, аллергияли дерматозларга тааллуқли бўлиб, бунда касалликни қўзғатувчи маҳсулотларни истеъмолдан чиқариш соғайишнинг асосий омилига айланиши мумкин.

## Дерматологияда антисептикларнинг ўрни

Дерматологлар арсеналида антисептик препаратлар алоҳида ўрин тутаяди. Улар кўпинча дерматозларнинг кечилиши мураккаблаштирадиган микробли инфекцияга қарши “биринчи ҳимоя чизиғи” вазифасини ўтайди. Энг кўп ўрганилган ва кенг қўлланиладиган антисептиклардан бири “Мирамистин” препарати бўлиб, у тиббиётнинг турли соҳаларида ўзини яхши намоён қилган.

“Мирамистин” молекуляр даражада таъсир кўрсатади. Унинг тузилиши патоген микро-

организмларнинг липид мембраналарини парчалаш имконини беради. Препарат молекуласи мембрананинг гидрофоб қисмига сингиб, уни том маънода юмшатади, юқори молекуляр бирикмалар учун ўтказувчанлигини оширади ва микроб ҳужайрасининг ферментатив фаоллигини ўзгартиради. Натижада микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти сусаяди ва улар нобуд бўлади. Бошқа кўплаб антисептиклардан фарқли ўлароқ, “Мирамистин” асосан патоген микроорганизмларга таъсир қилиб, терининг табиий мувозанатини бузмайди.

## Препарат таркиби: одийлик ва самарадорлик

“Мирамистин” ниҳоятда оддий таркибга эга: фаол модда “мирамистин” (1 мл эритмада 0,1 мг) ва тозаланган сув. Бундай минималист формула қўллаш хавфсизлигини таъминлайди ва аллергияли реакциялар хавфини камайтиради. Бўёқлар, хушбўйланттирувчилар ва бошқа қўшимчаларнинг йўқлиги препаратни ҳатто сезгир тери учун ҳам мос келадиган қилади.

## “Мирамистин” кенг қўлланли таъсир намоён этади:

➔ **Бактерицид таъсир** — аэроб ва анаэроб бактерияларга, жумладан антибиотикларга кўп марталик резистентликка эга бўлган шифохона штаммларига қарши.

➔ **Замбурғларга қарши фаоллик** — турли хил замбурғларга нисбатан самарадорлик, бу айниқса тери ва шиллиқ пардалар кандидозлари, оёқ кафти ва йирик бурмалар микозларини даволашда муҳим аҳамиятга эга.

➔ **Вирусларга қарши таъсир** — мураккаб тузилишли вирусларга қарши фаоллик.

Шуни таъкидлаш жоизки, препарат оддий герпес вирусининг атсикловирга чидамли

штаммларига нисбатан ҳам ўз самарасини сақлаб қолади, бу эса уни қайталанувчи герпетик инфекцияларда бебаҳо воситага айлантиради.

## “Мирамистин”нинг дерматология амалиётида қўлланилиши

Дерматологияда “Мирамистин”ни қўллаш учун асосий кўрсатмалардан бири — бу тери ва шиллиқ пардалар кандидозларини, шунингдек, оёқ кафти ва йирик бурмалар микозларини комплекс даволашдир. Замбурғли инфекциялар қатъий ва узоқ муддатли даволанишни талаб қилади, антисептик эса соғайиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам беради. Микозларда зарарланган жойларга пуркагич ёрдамида 3–4 марта босиб сепиш ёки аппликациялар қилиш тавсия этилади. Муолажа кунига 2–4 марта ўтказилади. Қайталанишнинг олдини олиш учун кўзга кўринадиган аломатлар йўқолганидан кейин ҳам даволанишни давом эттириш муҳим.

Тери бурмалари кандидозиди аппликациялар айниқса самарали: стерил дока салфетка “Мирамистин” билан мўл-қўл ҳўлланади ва зарарланган соҳага 15–20 дақиқага қўйилади. Бундай услуб препаратнинг тўқималарга чуқурроқ кириб боришига ва қўзғатувчига самаралироқ таъсир этишига имкон беради.

## Турли этиологияли инфекцияланган жароҳатларни даволаш

Жароҳатлиқ дерматологиясида ушбу препарат турли жойлашув ва келиб чиқишга эга бўлган инфекцияланган жароҳатларни маҳаллий даволаш учун кенг қўлланилади. Препарат нафақат патоген микроорганизмларни йўқ қилади, балки грануляцияланаётган жароҳатларда иккиламчи инфекция ривожланишининг олдини олади. Профи-

## АНТИСЕПТИК ЭРИТМА

лактика ва даволаш мақсадида “Мирамистин” жароҳат юзасига пуркалади, жароҳат каналлари ва оқма йўлларида тампон қўйилади ҳамда антисептик билан мўл-қўл ҳўлланган дока тампонлар маҳкамланади. Даволаш муолажасини 3–5 кун давомида кунига 2–3 марта такрорлаш тавсия этилади.

Кенг жароҳат юзаларида жароҳат ва бўшлиқларни фаол дренажлаш усули айниқса самаралидир. Бундай ҳолда, препаратнинг суткалик сарфи қарийб 1 литрга етиши мумкин, бу эса жароҳатнинг доимий тозаланишини ва микро-организмлар кўпайиши учун ноқулай муҳит яратилишини таъминлайди.

### Куйишларда қўлланилиши

II ва III А даражали куйишларда “Мирамистин” нафақат даволаш учун, балки куйиш жароҳатларини дерматоластикага — яъни тери кўчириб ўтказишга тайёрлаш учун ҳам ишлатилади. Бу ўта муҳим босқич, чунки жароҳатнинг тозалиги трансплантатнинг битиб кетишига бевосита таъсир кўрсади. Куйган жароҳатлар юзасига препарат пуркалади ёки эритма билан ҳўлланган дока тампонлар қўйиб боғланади. Бу ёндашув йиринглашнинг олдини олишга ва тери қопламанинг битишини яхшилашга имкон беради. Тадқиқотлар маълумотларига кўра, “Мирамистин”ни қўллаш куйиш жароҳатларини пластика-

га тайёрлаш муддатини 20–30% га қисқартиради.

### “Мирамистин”нинг косметологияда қўлланилиши

Замонавий косметология кўплаб инвазив ва ярим инвазив муолажаларни таклиф этади: мезотерапия, биоревитализация, контурли пластика, турли хил пилинглари. Уларнинг барчаси муолажадан олдин ва кейин терига синчковлик билан антисептик ишлов беришни талаб қилади. Препарат бу мақсад учун жуда мос келади ва терини таъсирлантирмасдан, инфекциядан ишончли ҳимояни таъминлайди. Вестибулоластика ёки френу-лектомия каби аралашувлардан сўнг препаратни ваннача шаклида қўллаш тавсия этилади. Бу асоратларнинг олдини олишнинг оддий ва самарали усули бўлиб, уни ҳатто уй шароитида ҳам қийинчиликсиз бажариш мумкин.

Юзни механик тозалаш — асосий косметологик муолажалардан бири — ўтказилгандан сўнг, тери инфекцияга моил бўлиб қолади. “Мирамистин” нафақат яллиғланишнинг олдини олади, балки микрожароҳатларнинг битишини ҳам тезлаштиради. Косметологлар терига муолажадан сўнг дарҳол ва ундан кейинги 2–3 кун давомида ишлов беришни тавсия қилади.

### Афзалликлари

“Мирамистин”нинг универсаллиги унинг асосий афзалликларидан биридир. Препаратнинг

бир ўзи қуйидаги соҳаларда қўлланилиши мумкин:

- Жарроҳлик ва травматологияда: йиринглашнинг олдини олиш ва йирингли жароҳатларни даволаш учун;
- Комбустиологияда: куйишларни даволаш ва дерматоластикага тайёрлаш учун;
- Акушерлик ва гинекологияда: туғруқдан кейинги инфекцияларнинг олдини олиш учун;
- Дерматологияда: турли тери касалликларида;
- Венерологияда: жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларнинг индивидуал профилактикаси учун;
- Оториноларингологияда: отит, гайморит, тонзиллитларда;
- Стоматологияда: пародонтит ва стоматитларни даволаш учун;
- Косметологияда: муолажалардан олдин ва кейин терига ишлов бериш учун.

Антибиотиклардан фарқли ўлароқ, антисептика микро-организмларнинг чидамлилиги деярли ривожланмайди, бу ҳам узоқ муддатли қўллаш ҳақида гап кетганда муҳим афзалликдир. Антимикроб таъсиридан ташқари, “Мирамистин” битиш жараёнларини рағбатлантиради. У яллиғланган тўқималардаги шишни камайтиради, йирингли ажралмалар ҳажмини пасайтиради, шикастланган соҳалардаги хужайраларнинг бўлиниши ва тикланишини фаоллаштиради. Бу соғайишни тезлаштиради ва косметик натижани яхшилайди.

### Антисептикларга замонавий назар солиш

“Мирамистин” самардорлик, хавфсизлик ва универсаллик уйғунлиги туфайли замонавий дерматология амалиётида алоҳида ўрин тутди. 30 йилдан ортиқ клиник қўллаш тажрибаси унинг ишончлилиги ва таъсирини олдиндан билиш мумкинлигини тасдиқлади. Бироқ шуни ҳисобга олиш керакки, антисептиклар барча даражада даво эмас. Улар тизимли терапия, турмуш тарзини тўғрилаш, парҳез терапияси ва бошқа даволаш усулларини ўз ичига олган комплекс ёндашувнинг бир қисми сифатида энг самарали ҳисобланади.

Замонавий дерматология тери касалликларига қарши курашиш учун кенг воситалар арсеналига эга. “Мирамистин” лаборатория тадқиқотларидан тортиб кенг клиник қўллашгача бўлган йўлни босиб ўтиб, инфекцияланган жароҳатлар, куйишлар, замбуруғли шикастланишларни даволашда, шунингдек, жарроҳлик ва косметологик аралашувлардан кейинги асоратларнинг олдини олишда ўз самардорлигини исботлади. Бироқ, ҳар қандай дерматологик касалликни муваффақиятли даволашнинг калити — бу тўғри ташхис қўйилиши ва индивидуал ёндашувдир. Йодда тутинг: соғлом тери нафақат гўзаллик, балки организм умумий саломатлигининг кўрсаткичидир.

0+

# МИРАМИСТИН®

КЕНГ ҚАМРОВЛИ  
ТАЪСИРГА ЭГА АНТИСЕПТИК

**МИРАМИСТИН®**  
АНТИСЕПТИЧЕСКОЕ СРЕДСТВО

Индивидуальная профилактика заболеваний, которые передаются половым путем.

Раствор для наружного применения 0,1 мг/мл 50 мл

**МИРАМИСТИН®**  
АНТИСЕПТИЧЕСКОЕ СРЕДСТВО

Раствор для наружного применения, 0,1 мг/мл (1 мл (мл) раствора содержит мирамистину 0,1 мг (мг)) 50 мл (мл)

ДАРНИЦА

**Қўлланилиши:**

- ЛОР аъзолари
- Оғиз бўшлиғи
- Жароҳатлар ва куйган жойлар
- Жинсий соҳалар

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

## ТОМОҚ ОҒРИҒИ

## Томоқ оғриганда...

Томоқ оғриғи, ҳақиқатан ҳам, одамларнинг дорихонага мурожаат қилишининг энг асосий сабабларидан биридир. Кўп ҳолларда бу аломат ўткир респиратор вирусли инфекциялар билан боғланади, бироқ бундай ёндашув ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Томоқдаги оддийгина ноқулайлик ортида турли этиологияли яллиғланиш касалликлари ҳам, алоҳида эътиборни ёки зудлик билан шифокорга мурожаат қилишни талаб этадиган ҳолатлар ҳам яширин бўлиши мумкин. Айнан шунинг учун бу шикоят билан ишлаганда томоқ оғриғини алоҳида эмас, балки унга йўлдош аломатлар ва беморнинг умумий аҳволи билан биргаликда кўриб чиқиш муҳим.

Марьям Суюнова

Томоқ оғриғининг сабаблари турличадир. У кўпинча юқори нафас йўллариининг вирусли инфекцияларида пайдо бўлиб, томоқ қичишиши, қуриши, ютинганда ўртача оғриқ ва умумий интоксикация белгилари билан кечади. Бактериал инфекциялар, аввало стрептококкли тонзиллит, қоида тариқасида, кучлироқ оғриқ, юқори ҳарорат, бодомсимон безларнинг катталашishi ва йирингли караш пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Антибиотикларни узоқ муддат қабул қилиш ёки иммунитет пасайиши фонида ривожланиши мумкин бўлган шиллиқ қаватнинг замбуруғли зарарланишлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

#### Фақат ангина эмас

Томоқ оғриғининг энг кўп учрайдиган сабаби инфекцияли яллиғланиш патологияси — аввало вирусли фарингит ва стрептококкли ангина бўлиб

қолмоқда. Бироқ, барча шикоятларни фақат шу касалликларга боғлаш хато бўлади. Томоқдаги оғриқ ва кучли ноқулайлик турли сабабларга кўра — шиллиқ қаватнинг ўта иссиқ ёки совуқ овқатдан оддийгина таъсирланишидан тортиб, жиддий тизимли ва соматик касалликларгача юзага келиши мумкин.

Ҳалқумнинг шиллиқ қавати кимёвий ва механик таъсирларга, овоз аппаратининг зўриқишига, қуруқ ёки ифлосланган ҳавога сезувчандир. Айнан шунинг учун томоқда қичишиш, ачишиш ёки “бир нарса тиқилиб қолгандек” ҳиссиёт овоз билан боғлиқ касб эгаларида, чекувчиларда, кондиционерли хоналарда бўладиган беморларда кўп учрайди. Шу билан бирга, субъектив жиҳатдан бундай ҳиссиётлар кўпинча оғриқ сифатида таърифланади, ваҳоланки, аслида яллиғланиш жараёни бўлмаслиги ҳам мумкин.

Инфекциялардан ташқари, томоқ оғриғи гулчанг, маиший чанг, озиқ-овқат маҳсулотлари ёки совуқ ҳавога бўлган аллергия реакциялар билан бирга кечиши мумкин. Баъзи ҳолларда у акс этувчи хусусиятга эга бўлиб, юрак-қон томир тизими касалликлари билан боғлиқ бўлади — масалан, стенокардия ёки миокард инфарктида оғриқ ҳалқум соҳасига тарқалиши (иррадиация қилиши) мумкин. Ошқозон-ичак тракти патологиялари ҳам муҳим роль ўйнайди: гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги, гастрит, ошқозон яраси, эзофагит ёки холецистит кўпинча шиллиқ қаватнинг сурункали таъсирланиши ва томоқда ачишиш ҳисси билан кечади.

Эндокрин ва моддалар алмашинуви бузилишлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Қандли диабетда оғиз бўшлиғи ва ҳалқумда оғриқ ҳамда ачишиш билан кечадиган кандидозли

стоматит ривожланиши мумкин. Қалқонсимон без касалликлари, хусусан, ўткир тиреоидит, шунингдек, сурункали буйрак касалликлари, B<sub>2</sub> витамини етишмовчилиги ва анемиялар ҳам томоқдаги ноқулайлик билан намоён бўлиши мумкин. Камроқ учрайдиган, аммо клиник жиҳатдан аҳамиятли ҳолатларда қон касалликлари (агранулоцитоз, ўткир лейкоз) ёки оғиз-ҳалқум ва оғиз бўшлиғи ўсмалари оғриқ сабабчисига айланади. Ушбу ҳолатлар рўйхати ҳали тўлиқ эмас, бу эса яна бир бор мазкур шикоятнинг мураккаб ва кўп қиррали эканини таъкидлайди.

#### Оғриқ хусусиятларидан эҳтимолий сабаб сари

Ташхис қўйиш, шубҳасиз, шифокорнинг ваколотиға киради. Шунга қарамай, фармацевтика мутахассиси учун дорихонага келувчилар кўпинча мурожаат қиладиган томоқ оғриғининг ўзига хос хусусиятларини билиш муҳимдир. Бундай ёндашув нафақат симптоматик давони тўғри танлашга, балки шошилинч тиббий ёрдамни талаб қиладиган ҳолатларни ўз вақтида аниқлашга ҳам имкон беради.

“Қизил байроқчалар” деб аталувчи белгиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Буларга томоқ оғриғининг чайнаш мушаклари тризми (спазми), овознинг ўзгариши ёки бўғилиши, нафас олишнинг қийинлашиши, кўкрак ёки елкадаги оғриқ, кучли кўнгил айнаиши ва қусиш, бўйин соҳасида шиш пайдо бўлиши, шунингдек, терида ҳар қандай тошмалар юзага келиши киради. Бундай белгилардан бир ёки бир нечтасининг мавжудлиги зудлик билан шифокорга мурожаат қилишни тавсия этиш учун сўзсиз асос бўлади (1-жадвал).

#### Мижозга қандай ёрдам бериш мумкин?

Томоқ оғриғида дори воситаларини танлаш бевосита тахминий сабаб ва симптомларнинг даражасига боғлиқ. Асоратсиз яллиғланиш жараёни ёки шиллиқ парданинг функционал таъсирланиши ҳақида сўз борганда, фармацевт маҳаллий қўллаш

| Томоқ оғриғининг тавсифи   | Эҳтимолий ёндош аломатлар ва белгилар  | Эҳтимолий сабаб  |
|--|--|--|
| Овқат ёки сув ютишни қийинлаштирадиган кучли оғриқ   | Бодомсимон безларнинг шишиши ва караш билан қопланиши, тана ҳароратининг кўтарилиши ва умумий интоксикациянинг бошқа белгилари, бўйин лимфа тугунларининг катталашishi       | Ангина   |
| Оғриқ кучли бўлиши мумкин, аммо овқатланиш қийинлашмаган   | Томоқ оғриғидан олдин ўткир ринит ва йўтал кузатилган; субфебрил ҳарорат, умумий интоксикациянинг бошқа белгилари мавжуд   | ЎРВИ   |
| Сув ёки сўлакни ютиб бўлмайдиган даражада жуда кучли оғриқ   | Юмшоқ танглай асимметрияси, бодомсимон безларда йирингли карашлар, чайнаш мушаклари тризми (спазм туфайли оғизни тўлиқ очиб бўлмади), бўйин лимфа тугунларининг катталашishi | Паратонзилляр абсцесс  |
| Оғриқ унчалик кучли эмас, кўпроқ қичишиш   | Баъзан йўтал кузатилади  | Сурункали фарингит   |
| Сўлак ютиш қийин, аммо овқатланиш қийинлашмаган кучли оғриқ; тана горизонтал ҳолатда бўлганда оғриқ кечаси кучаяди | Йўтал бўлиши мумкин  | Ларингофарингеал рефлюкснинг зўрайиши, гастрит ёки гастродуоденитнинг авж олиши мумкин |
| Томоқдаги ноқулайлик: бемор доим томоғини “ҳис қилиб туради”, совуқ сув ичолмайди                                  | Йўтал, бироз субфебрил ҳарорат, терлаш, бўғимларда, юракда оғриқ ва ритм бузилишлари кузатилиши мумкин   | Сурункали тонзиллитнинг токсик-аллергик шакли  |

учун препаратларни тавсия қилиши мумкин. Буларга микроб юкламасини камайтирадиган антисептик воситалар, яллиғланишга қарши ва оғриқ қолдирувчи препаратлар, шунингдек, шиллиқ парданинг таъсирланишини пасайтиришга ёрдам берадиган ўраб олувчи ва намлантирувчи таъсирга эга воситалар киради.

**Инфекцион яллиғланиш патологияси (2-жадвал)**

Қўшимча равишда, айниқса ноқулай ташқи омиллар таъсирида ёки овозга зўриқиш тушганида томоқдаги қуруқлик ва қичишишни юмшатувчи препаратлардан фойдаланиш мумкин. Дорихонага келувчиларга дори-дармонсиз чораларни ҳам эслатиб ўтиш муҳим: овозга дам бериш, чекишдан воз кечиш, илиқ суюқликлар ичиш ва таъсирловчи озуқаларни истеъмол қилмаслик.

Амалиётда фармацевтика мутахассиси кўпинча томоқ оғриғи оғиз-ҳалқум шиллиқ қаватининг маҳаллий яллиғланиш жараёни — фарингит, ларингит, тонзиллитнинг бошланғич кўринишлари ёки юқори нафас йўллариининг вирусли инфекцияси туфайли келиб чиққан беморлар-

| Вирусли инфекция (70% дан ортиқ ҳолатлар)  | Бактериал инфекция (10-15% ҳолларда)   | Юқумсиз патология                             |
|--|--|---|
| Маҳаллий антисептиклар, тизимли вирусга қарши воситалар, интерферон, интерферон синтези индукторлари ва ҳоказо | Маҳаллий таъсир кўрсатувчи антибактериал препаратлар, антисептиклар, шифокор рецепти бўйича тизимли антибиотикотерапия | Асосий касалликни (патологик ҳолатни) даволаш |

2-жадвал

га дуч келади. Бундай ҳолларда симптоматик терапиянинг асосий вазифалари яллиғланишни камайтириш, оғриқ синдромини бартараф этиш ва зарарланган ўчоқдаги микроб юкламасини пасайтиришдан иборат бўлади.

Айнан шу ўринда анестетик таъсирга эга маҳаллий яллиғланишга қарши воситаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. **“Риномакс Инго”** таркибида оториноларингология амалиётида ўзини яхши намоён этган ностероид яллиғланишга қарши восита — бензидамин гидрохлорид мавжуд. Унинг таъсири шиллиқ қаватдаги яллиғланиш реакциясини сўндиришга, оғриқ ва шишни камайтиришга қаратилган бўлиб, бу айниқса ютиниш пайтидаги кучли ноқулайликда муҳим аҳамият касб этади.

Бензидаминнинг қўшимча афзаллиги унинг антимикроб

фаоллигидир: препарат антибактериал ва замбуруғларга қарши хусусиятлар намоён этиб, оғиз бўшлиғи ва ҳалқумдаги қўзғатувчилар концентрациясини камайтиришга ёрдам беради. Бу эса **“Риномакс Инго”**ни нафақат симптомларни енгиллаштирадиган, балки яллиғланиш жараёнининг патогенетик механизмларига ҳам таъсир кўрсатадиган восита сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

Спрей шакли қўллаш қулайлигини ва эритманинг шиллиқ қават бўйлаб бир текис тақсимланишини таъминлайди, бу айниқса юзаки яллиғланишларда долзарбдир. Таркибига ялпиз мойининг киритилиши терапевтик самарани тўлдиради: у таъсирланган шиллиқ қаватни юмшатади, тиклик ҳиссини беради ва ютинишни осонлаштиради, шунингдек, бактериостатик таъсир кўр-

сатиб, препаратнинг антимикроб салоҳиятини кучайтиради.

**“Риномакс Инго”**нинг хавфсизлик профили алоҳида эътиборга лойиқ. Препаратни 3 ёшдан бошлаб болаларда, шунингдек, ҳомиладор ва эмизикли аёлларда қўллаш имконияти уни томоқ оғриғи шикоятларида дорихона ассортиментидagi универсал танловга айлантиради.

**Манбалар:**

Принципы этиопатогенетической терапия острых фарингитов: методические рекомендации / Составитель: С.В. Рязанцев. СПб., 32 с. Захарова И.Н., Коровина Н.А., Овсянникова Е.М. Боль в горле // Медицинский совет. 2013. № 2. С. 70–76. Субботина М.В. Боль в горле: возможные причины, диагностика и лечение // Лечащий врач. 2010. № 9. С. 19–24. Анготоева И.Б. Дифференциальная диагностика болей в горле // Медицинский совет. 2014. № 15. С. 42–46. Боль в горле // Справочник поликлинического

# РиноМакс® ИНГО

BENZYDAMINUM

## ТОМОҚ ОҒРИҒИНИ ТЕЗ БАРТАРАФ ЭТИШ!

- ✓ Антисептик таъсир
- ✓ Микробларга қарши
- ✓ Яллиғланишга қарши

**ASKLEPIY**  
Group

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

## ЁШЛИК ФОРМУЛАСИ

# Ёшликни сақлаб қолиш сири: ичкаридан таъсир кўрсатувчи корейсча ёндашув

Бугунги кунда “коллаген” сўзи нафақат косметологлар хонасида янграмоқда, балки ўзини парваришлаш бўйича замонавий маданиятнинг бир қисмига ҳам айланиб улгурди. Ёш ва парваришланган ташқи кўриниш тобора саломатлик ва фаоллик билан боғланаётган бир даврда, организмни ичкаридан қўллаб-қувватлашга ёрдам берадиган маҳсулотлар — нутритсияга оид воситаларга эътибор қаратаётганлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Ильвина Юсуф-Амет

Шундай инновацион ечимлардан бири Корея сифат стандартлари асосида яратилган “**Glam Collagen**” бўлди. Аммо маҳсулот ҳақида сўз юритишдан аввал, бир муҳим жиҳатни тушуниб олиш лозим: нега коллаген шунчалик бебаҳо ҳисобланади?

### Коллаген: тананинг асосий қурилиш оқсилли

Коллаген инсон организмнинг энг муҳим оқсилларидан бири, ўзига хос “қурилиш пойдевори” бўлиб, тери, бўғимлар, пайлар, қон томирлари ва ички аъзоларнинг ҳолати айнан унга боғлиқ. У танадаги барча оқсилларнинг қарийб учдан бир қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам унинг синтезидаги ҳар қандай ўзгариш нафақат ташқи кўринишда, балки умумий саломатликда ҳам акс этади.

Коллаген терининг эластиклиги ва мустаҳкамлиги, бириктирувчи тўқималарнинг шаклланиши ҳамда организмнинг тикланиш қобилияти учун жавобгардир. У терининг таранглиги ва тетиклигини, тўқималарнинг эса зўриқиш ва шикастланишларга чидамлилигини таъминлаб, намликни сақлашда иштирок этади. Турли аъзо ва тўқималарда коллагеннинг ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз вазифасини бажаради. Аммо тери бу оқсилга жуда бой. Унинг оқсил тузилмасининг тахминан 80–90% айнан коллаген ташкил этади ва ёшлик ҳамда парваришланган кўриниш билан боғлиқ бўлган ўша силлиқлик, зичлик ва “соғлом тери” ҳиссиёти айнан у шакллантиради.

### Нима учун биз коллагенни йўқотамиз? Фан изоҳ беради

Илмий тадқиқотлар коллаген ишлаб чиқарилишининг пасайиш жараёни 25 ёшдан кейиноқ бошланишини тасдиқлайди. Дастлаб ўзгаришлар деярли сезилмасдек туюлади, бироқ йиллар ўтгани саин уларнинг таъсири яққолроқ намоён бўлиб боради.

Коллаген йўқотилишини қуйидагилар тезлаштиради:

- ➔ Стресс ва гормонал ўзгаришлар
- ➔ Ультрабинафша нурланиш таъсири
- ➔ Ифлосланган ҳаво
- ➔ Чекиш
- ➔ Тартибсиз уйқу
- ➔ С витамини танқислиги
- ➔ Таркибида шакар миқдори кўп бўлган озиқ-овқат.

Организм ҳар йили тахминан бир-бир ярим фоиз коллаген йўқотади. 40 ёшга келиб умумий йўқотишлар чоракдан учдан бир қисмгача, 60 ёшга келиб эса ярмидан кўпроғига етади. Бу терининг ҳолатида акс этади: майда ажинлар пайдо бўлади, тери қуруқлашади, таранглиги пасаяди, осилиб қолиши мумкин, юз ранги эса хиралашади. Ҳар қандай крем ёки зардоблар фақат тери юзасига таъсир қилади, шунинг учун улар бу жараёнларни тўлиқ тўхтата олмайди. Шу сабабли ҳам замонавий косметология озиқланиш, биологик фаол қўшимчалар ва қўллаб-қувватловчи муолажаларни бирлаштирган ҳолда “гўзаллик ичкаридан бошланади” ёндашувига тобора кўпроқ урғу бермоқда.

### Коллаген ўрнини тўлдириш мумкинми?

Илмий маълумотлар организмдаги коллаген ўрнини тўлдириш мумкинлигини кўрсатади, аммо тадқиқот натижаларига оқилона ёндашиш керак. Шунга қарамай, кўплаб ишлар муайян қонуниятларни намоён қилади: гидролизланган коллаген қабул қилиш терининг намланишини яхшилашга, унинг эластиклиги ва зичлигини оширишга, майда ажинларнинг кўринишини камайтиришга ёрдам беради, шунингдек, қуёш нури таъсиридан кейин тўқималарнинг тикланишини қўллаб-қувватлайди. Айниқса, коллагеннинг паст молекуляр шакллари юқори самарадорликни кўрсатади: улар осонроқ сўрилади, қон оқимида тезроқ ўтади ва организмнинг ўз

коллаген толаларини синтез қилишида иштирок этиб, терининг ёшлиги ва саломатлигини ичкаридан сақлашга ёрдам беради.

### “Glam Collagen”: ички гўзаллик учун премиум маҳсулот

“**Glam Collagen**” — бу ўз-ўзини парваришлаш бўйича Корея анъаналарини ҳисобга олган ҳолда яратилган ички гўзаллик учун премиум маҳсулотдир.

Жанубий Корея профилактика ва юқори технологияга йўналтирилган косметика ва нутрисевтика маҳсулотларининг юқори сифати билан машҳур ва “**Glam Collagen**” айнан шу тамойиллар асосида яратилган. Маҳсулот асосида молекула ўлчами 1000 далтондан кичик бўлган паст молекуляр денгиз коллагени ётади. Бу юқори биоўзлаштирувчанлик ва тезкор таъсирни таъминловчи энг сифатли коллаген шакллари билан биридир. Маҳсулот Жанубий Кореяда қатъий хавфсизлик стандартлари ва оқсилга ишлов беришнинг инновацион технологиялари билан танилган Geltec компанияси томонидан ишлаб чиқарилади.

### “GLAM COLLAGEN” ФОРМУЛАСИ КОМПЛЕКС БЎЛИБ, НАФАҚАТ КОЛЛАГЕННИ, БАЛКИ УНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ ҚУЙИДАГИ НУТРИЕНТЛАРНИ ҲАМ ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ:

- ➔ ТЕРИДА НАМЛИКНИ САҚЛАШ УЧУН ГИАЛУРОН КИСЛОТАСИ
- ➔ ЭЛАСТИКЛИКНИ САҚЛАШ УЧУН ПРОЛАСТИН
- ➔ КУЧЛИ АНТИОКСИДАНТ СИФАТИДА ГЛУТАТИОН
- ➔ ФОТОКЕКСАЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН ОҚ ПОМИДОР ЭКСТРАКТИ
- ➔ ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШНИ ЯХШИЛАШ УЧУН САЧРАТҚИ ИЛДИЗИДАН ОЛИНГАН ИНУЛИН

### ➔ АНТИОКСИДАНТ ҲИМОЯНИ КУЧАЙТИРИШ УЧУН НАЪМАТАК ЭКСТРАКТИ, С ВА Е ВИТАМИНЛАРИ

### ➔ СОЧ ВА ТИРНОҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН БИОТИН.

Бундай таркиб ушбу маҳсулотни шунчаки коллаген манбаи эмас, балки ички гўзаллик учун тўлақонли мажмуага айлантиради. Майин текстурани 2,5 граммлик кукун солинган стикларнинг қулай формати маҳсулотни йўлда, ишда ёки спорт залида эритмасданок, шунчаки тил устига сепаб истеъмол қилиш имконини беради. Таркибидаги 4% концентранган черника кукун эса ёқимли таъм бериб, кўплаб коллагенларга хос бўлган балиқ ҳидини бартараф этади ва маҳсулотдан фойдаланишни ёқимли қилади.

### Коллаген — трендми ёки зарурат?

Замонавий фан терининг ҳолати организмнинг ички жараёнлари билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатмоқда. Биз коллаген етишмовчилигини тўлдириб, танани витаминлар ва антиоксидантлар билан қўллаб-қувватлаганимизда, келажак учун ишлаймиз ва ёшлигимизни йиллар давомида сақлаб қоламиз.

«**Glam Collagen**» — бу сеҳрли кукун эмас. У организмга ўзи энг яхши бажара оладиган ишни, яъни терини тиклаш, янгилаш ва унинг саломатлигини сақлашга ёрдам берадиган воситадир. Натижа: ичкаридан тараладиган жило. Ушбу коллагеннинг Корея формуласи ўзида замонавий технологиялар, илмий ёндашув ва қулай форматни мужассам этган. Маҳсулот терига жило, таранглик ва қувват бахш этишга, соч ва тирноқларни мустаҳкамлашга, энг муҳими эса, гўзалликни ичкаридан парваришланинг барқарор тизимини яратишга кўмаклашади.

MEDICOK

# Collagen

**Вазни камайтириш учун**

- ❁ Терининг ҳолатини яхшилайди
- ❁ Моддалар алмашинувини меъёрлаштиради
- ❁ Тана вазнини камайтиради
- ❁ Пигментацияни камайтиради
- ❁ Соч ва тирноқлар тузилишини мустаҳкамлайди



**КОРЕЯДА ИШЛАБ  
ЧИҚАРИЛГАН**

## МУТАХАССИС ФИКРИ

# Мавсумий аллергия: белгилар, диагностика ва замонавий даволаш

Озода Пулатова



Сўнги йилларда дунё бўйлаб аллергия билан касалланиш ҳолатлари сезиларли даражада ошди. Экологик муҳитнинг ўзгариши, ҳавонинг ифлосланиши, урбанизация жараёнлари ҳамда турмуш тарзининг ўзгариши аллергия касалликлар кўпайишининг асосий омиллари сифатида қаралмоқда. Айниқса баҳор мавсумида ўсимликлар чангланиши даврида мавсумий аллергия — поллиноз ва аллергия ринит каби касалликлар кўпроқ учрайди. Аллергия, унинг симптомлари ва даволашдаги хатолар тўғрисида тиббиёт фанлари доктори, иммунолог-аллерголог Шерзод Мухторов билан суҳбатлашамиз.

## Аллергия касалликларнинг ҳозирги кунда тарқалиш тенденцияси

Сўнги ўн йилликларда аллергия касалликлар бутун дунёда

тез суръатларда кўпаймоқда. Ҳозирги статистик маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг тахминан 30–40 фоизида ҳаёти давомида камида бир марта аллергия касаллик кузатилади. Бунинг бир нечта асосий сабаблари мавжуд. Энг муҳим омиллардан бири экологик муҳитнинг ўзгариши ва ҳавонинг ифлосланишидир. Атмосферадаги зарарли заррачалар ўсимлик чанглари билан бирикиб, уларнинг аллергия таъсирини кучайтиради.

Шунингдек, урбанизация ҳам муҳим рол ўйнайди. Одамлар кўпроқ ёпиқ биноларда яшаётгани сабабли уй аллергиялари — чанг, уй чанги канаси, замбуруғ спораларига кўпроқ дуч келмоқда.

Бундан ташқари, “гигиена гипотезаси” ҳам мавжуд. Бу назарияга кўра, болалик дав-

рида микроорганизмлар билан камроқ контакт қилиш иммун тизимининг нотўғри йўналишда ривожланишига ва аллергияга мойиллик ошишига олиб келади.

## Баҳор мавсумида кўп учрайдиган аллергия касалликлар

Баҳор мавсумида энг кўп учрайдиган аллергия касаллик бу мавсумий аллергия ринит ёки поллиноз ҳисобланади. Бу касаллик асосан дарахтлар, ўсимликлар ва ўтларнинг чанглари билан боғлиқ. Бундай беморларда одатда бурун битиши, кўп аксириш, бурун оқиши, кўз қичишиши ва ёшланиши каби белгилар кузатилади.

Баъзи ҳолларда аллергия нафақат ринит билан, балки аллергия конъюнктивит ёки бронхиал астма симптомлари билан ҳам намоён бўлиши мумкин.

Касалликнинг бошланиши ва оғирлиги бир нечта омилларга боғлиқ:

- ➔ ҳавода поллен миқдори
- ➔ беморнинг индивидуал сезгирлиги
- ➔ генетик мойиллик
- ➔ иқлим шароити (шамол, қуруқ ҳаво)

Шунинг учун айрим беморларда аллергия жуда енгил ўтса, бошқаларида эса анча оғир клиник кўриниш бериши мумкин.

## Аллергияни аниқлаш диагностикаси

Аллергия касалликларни аниқлашда энг муҳим босқичлардан бири тўғри анамнез йиғиш ҳисобланади. Бемор билан батафсил суҳбат орқали симптомларнинг қачон бошланиши, қайси омиллар билан боғлиқлиги аниқланади.

Лаборатор ва инструментал диагностика усуллари қуйидагилар қиради:

- ➔ тери прик-тестлари
- ➔ қонда умумий ва специфик IgE аниқлаш
- ➔ компонент алергодиагностикаси
- ➔ провокацион тестлар

Тери прик-тестлари аллергияларни тез ва аниқ аниқлаш имконини беради.

Агар беморда бир нечта аллергия гумон қилинса ёки касал-

лик сабаби аниқ бўлмаса, кенгайтирилган аллергиялогик текширув ўтказиш тавсия этилади.

Замонавий диагностика усуллари аллергияни жуда аниқ аниқлаш ва индивидуал даволаш стратегиясини танлаш имконини беради.

## Аллергия касалликларни даволаш

Аллергия касалликларни даволашда замонавий ёндашув комплекс бўлиб, бир нечта асосий йўналишни ўз ичига олади. Биринчидан, аллергия билан контактни имкони қадар камайтириш муҳим ҳисобланади. Бу профилактик чоралар касаллик симптомларини сезиларли даражада камайтириши мумкин.

Иккинчидан, фармакотерапия қўлланилади. Мавсумий аллергия ринитни даволашда қуйидаги дори гуруҳлари асосий ҳисобланади:

- ➔ иккинчи авлод антигистамин препаратлар
- ➔ интраназал кортикостероидлар
- ➔ антилейкотриен препаратлар
- ➔ деконгестантлар (қисқа муддатга)

Ўртача ва оғир аллергия ринитда интраназал кортикостероидлар энг самарали дори гуруҳларидан бири ҳисобланади.

Даволаш индивидуал танланади ва беморнинг симптомлари ҳамда касаллик оғирлигига қараб белгиланади.

## АСИТ (аллерген-специфик иммунотерапия)

Аллерген-специфик иммунотерапия аллергия касалликларни даволашда жуда муҳим усул ҳисобланади. Бу усул аллергиянинг фақат симптомларини эмас, балки унинг асосий сабабини даволашга қаратилган.

АСИТ давомида беморга кичик дозада аллергия мунтазам равишда бериб борилади. Натижада иммун тизим аста-секин аллергияга толерантлик ҳосил қилади.

Бу усул айниқса қуйидаги касалликларда самарали:

- ➔ мавсумий аллергия ринит
- ➔ поллиноз
- ➔ аллергия бронхиал астма

АСИТ узоқ муддатли натижа беради ва кўплаб беморларда симптомларнинг сезиларли камайишига олиб келади.

**Беморларнинг ўзини ўзи даволашдаги хатолари**

Амалиётда кўпинча беморлар дориларни шифокор тавсиясиз қабул қилишади. Бу эса даволаш самарадорлигини камайтириши мумкин.

- Энг кўп учрайдиган хатолар:
- ➔ антигистамин препаратларни нотўғри танлаш
  - ➔ бурун спрейлардан нотўғри фойдаланиш
  - ➔ гормонал препаратлардан қўрқиб уларни ишлатмаслик
  - ➔ аллергия сабабини аниқламасдан фақат симптомларни даволаш

Натижада касаллик узоқ давом этади ёки оғир шаклга ўтиши мумкин.

Шунинг учун беморлар алерголог кўригидан ўтиб, индивидуал даволаш режасини олишлари муҳим.

**Фармацевтларнинг роли катта**

Фармацевтлар алергик касалликларни эрта аниқлашда муҳим рол ўйнайди. Чунки кўп беморлар дастлаб дорихоналарга мурожаат қилишади.

Агар беморда тез-тез такрорланадиган:

- ➔ бурун битиши
- ➔ аксириш
- ➔ кўз қичишиши
- ➔ мавсумий симптомлар кузатилса, фармацевт беморни

аллергологга мурожаат қилишга тавсия қилиши керак. Бу касалликни эрта аниқлаш ва асоратларни олдини олишга ёрдам беради.

**Шифокор ва фармацевтларга тавсиялар**

Мавсумий аллергия кучайган даврда беморларни самарали бошқариш учун комплекс ёндашув зарур.

Бунда қуйидаги тавсиялар муҳим:

- ➔ аллерген билан контактни камайтириш
- ➔ даволашни мавсум бошланишидан олдин бошлаш
- ➔ беморларга дори воситаларини тўғри қўллашни тушунтириш
- ➔ зарур ҳолларда аллергологик текширув ўтказиш

Шунингдек, беморларни аллергия ҳақида тўғри маълумот билан таъминлаш ҳам жуда муҳим. Бу уларнинг даволанишга риоя қилишини яхшилайти ва касаллик назоратини осонлаштиради.

Аллергик касалликлар тарқалишининг ортиб бораётгани тиббиёт мутахассислари учун жиддий эътибор талаб қиладиган масалалардан бири ҳисобланади. Беморларнинг ўзини ўзи даволаши кўп ҳолларда кутилган натижани бермаслиги мумкин. Шу сабабли шифокорлар ва фармацевтлар ҳамкорлиги, беморларни тўғри йўналтириш ва уларни аллергия ҳақида тўлиқ маълумот билан таъминлаш катта аҳамиятга эга.

**Левоцетиризин 5 мг**  
**АЛЬЦЕТРО**  
 Аллергияга қарши восита

**АЛЛЕРГИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДАВОСИ!**

- 12 дақиқада таъсир қилади**
- Таъсирини 24 соатгача сақлайди**
- Уйқунни келтирмайди**
- Аллергиянинг барча турларига қарши**

NIK PHARM



## ФАРМАЦЕВТЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ

# ТОП дорихона усуллари: провизорлар учун олтин қоидалар

Замонавий дорихона амалиёти анча вақтдан буён шунчаки сўров бўйича дори бериш доирасидан чиқиб кетган. Бугун фармацевт — бемор маслаҳат олиш учун мурожаат қиладиган мутахассисдир. Ушбу рукнда тақдим этилган қисқа ва тизимли усуллар мулоқот самарадорлигини оширишга, ўзбошимчалик билан даволаниш хатарларини камайтиришга ҳамда фарматсевтик ёрдам сифатини таъминлашга ёрдам беради.

Озода Пулатова

### «Фармацевтнинг уч саволи»



Бу усул нотўғри тавсия бериш хавфини минималлаштиришга ва дори воситасини ҳар бир мижоз учун алоҳида танлашга ёрдам беради. У учта асосий саволга таянади:

- ➔ Кимга? Беморнинг ёши, унинг сурункали касалликлари, ҳомиладорлиги, эҳтимолий аллергик реакциялари бор-йўқлигини аниқлаш.
- ➔ Нима безовта қилмоқда? Асосий симптомлар, уларнинг даражаси ва давомийлигига аниқлик киритиш.
- ➔ Бунгача нима қўлланган? Аввал қандай дори воситалари ёки биологик фаол қўшимчалар қабул қилинганини аниқлаш.

Натижада, муайян препаратни таклиф қилишдан олдин вазият ҳақида яхлит тасаввур шаклланади.

### Дорихонада AIDA модели



Бу — дастлабки мулоқотдан тортиб, препаратни онгли равишда танлашгача бўлган жараённи тавсифловчи классик коммуникация формуласи. У мантиқий ва ишончга асосланган мулоқот қуришга ёрдам беради:

**Attention (диққат)** — кўз орқали алоқа ўрнатиш ва ташриф буюрувчи билан саломлашиш.

**Interest (қизиқиш)** — симптомлар ҳақида аниқлаштирувчи саволлар бериш.

**Desire (истак)** — айнан шу ҳолатда препарат қандай фойда келтиришини қисқача тушунтириш.

**Action (ҳаракат)** — қўллаш бўйича аниқ тавсия бериш ва харидни расмийлаштириш.

Шунда ташриф буюрувчи дори воситаси нима учун айнан унга мос келишини ва ундан қандай тўғри фойдаланишни аниқ билиб олади.

### 20 сония қоидаси



Препарат ҳақида 20 сония ичида берилган қисқа, аммо мазмунли тушунтириш беморнинг даволанишда қатъийлигини оширади. Мутахассис учта саволга жавоб бериши лозим:

- ➔ препарат нима қилади;
- ➔ уни қандай қабул қилиш керак;
- ➔ самарасини қачон кутиш мумкин.

Бунда профессионал терминологиядан қочиб, содда ва тушунарли ибораларни қўллаш муҳим.

### Эмпатия формуласи



Бу — мижознинг хавотирини камайтиришга қаратилган ёндашув бўлиб, айниқса нозик шикоятлар ёки жиддий касалликдан қўрқиш билан боғлиқ вазиятларда қўл келади. Беморнинг муаммосини тан олиш, тушунарли тавсиялар бериш, кутилаётган самара ва қўллаш тартибини тушунтириш зарур.

Натижада, ташриф буюрувчи ўзини қўллаб-қувватланаётганини ҳис қилади ва вазиятни назорат қила олади.

### «Қизил байроқчалар»



Беморни шифокорга йўналтириш зарурлигини кўрсатувчи ва хавфли ўзбошимчалик билан даволанишнинг олдини олувчи белгилар тизими. Уларга қуйидагилар киради:

- ➔ юқори тана ҳарорати;
- ➔ кескин ёки кучайиб боровчи оғриқ;
- ➔ умумий аҳволнинг ёмонлашиши;
- ➔ уч ёшгача бўлган ёш;
- ➔ ҳомиладорлик.

### Муолажани тўлдирувчи таклиф



Қўшимча воситаларни таклиф қилиш орқали даволаш самарадорлигини ошириш усули. Агар ташриф буюрувчи битта препарат сўраб келган бўлса, зарурат туғилганда, даволаш схемасининг бир қисми сифатида ёрдамчи воситани ҳам таклиф қилиш мумкин. Масалан, антибиотиклар харид қилинганда, микрофлорани ва ошқозон-ичак трактини қўллаб-қувватлаш учун пробиотикларни тавсия этиш мумкин.

Асосий мақсад — савдони ошириш эмас, балки беморга реал фойда келтиришдир.

### ОТС-тавсия алгоритми



Рецептсиз бериладиган препаратлар бўйича хавфсиз ва изчил маслаҳат беришни йўлга қўйиш учун мўлжалланган усул:

Симптом → хавфларни аниқлаштириш → восита танлаш → дозасини тушунтириш → юзага келиши мумкин бўлган ножўя таъсирлар ҳақида огоҳлантириш.

Шу тариқа ягона иш стандарти шаклланади ва ОТС-тавсиялар сифати ошади.

### Учта вариант қоидаси



Провизор — беморлар тавсия олиш учун мурожаат қиладиган шифокордан кейинги иккинчи мутахассис. Фақатгина мос препаратни бериб қолмай, балки мижозга танлов имкониятини тақдим эта билиш ҳам муҳим.

### Фармацевтнинг мини-қундалиги



Касбий тафаккурни ривожлантиришнинг оддий усули. Қундалик ёзувлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- ➔ қийинчилик туғдирган мураккаб савол;
- ➔ қўшимча ўрганиш учун талаб ортиб бораётган препарат;
- ➔ мижозлар билан мулоқот қилишнинг самарали усуллари.

Бу билимларни ортиқча зўриқишсиз тизимлаштиришга ёрдам беради.

### Беморга ҳар доим учта вариант таклиф этилади



- ➔ базавий вариант;
- ➔ нарх ва сифат жиҳатидан мақбул вариант;
- ➔ премиум вариант.

Улар орасидаги фарқларни қисқача тушунтириш танловни осонлаштиради ва мутахассис тавсияларига бўлган ишончни оширади.

### Ҳафта препарати



Ҳафтада бир марта битта препаратни мунтазам ўрганиш: унинг қўлланилиши, мумкин бўлмаган ҳолатлар, аналоглари ва бошқа дорилар билан ўзаро таъсирини. Бундай ёндашув тавсияларга бўлган ишончни оширади ва маслаҳат беришда хатоликлар хавфини камайтиради.

# Жаҳон фарм янгиликлари

## БАА дори воситалари хавфсизлиги устидан назоратни кучайтирмоқда

Emirates Drug Establishment (EDE) дори воситалари хавфсизлигини ошириш ва беморларни ҳимоя қилиш мақсадида фармакологик назорат соҳасидаги инспекцияларни кучайтириш бўйича миллий дастурни ишга туширди.

Мазкур ташаббус Дубайда бўлиб ўтган махсус семинарда тақдим этилди. У фармацевтика компанияларидаги фармакологик назорат тизимларини баҳолаш учун миллий мутахассисларни тайёрлашга, шунингдек, хавфларни барвақт аниқлаш ва таҳлилий ёндашувга урғу берувчи проактив тартибга солиш моделини шакллантиришга қаратилган.

Дастурнинг биринчи босқичи “Sanofi” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилиб, регулятор ва фармацевтика сектори ўртасидаги шу турдаги илк лойиҳа бўлди. Икки кунлик тренинг инспекцияларнинг тўлиқ циклини — текширувларни режалаштириш ва ҳужжатларни таҳлил қилишдан тортиб, ҳисоботлар тайёрлаш ва тузатиш чораларини кўришгача — қамраб олди.

EDE бош директори, доктор Фотима Ал Каъбийнинг таъкидлашича, ушбу дастур беморлар хавфсизлиги, илмий асосланган ечимлар ва миллий салоҳиятни ривожлантиришга йўналтирилган интеграциялашган тартибга солиш тизимини яратиш стратегиясининг бир қисмидир. Келажакда регулятор ушбу ташаббусни рақамли воситалар жорий этиш ва фармакологик назорат бўйича миллий стандартларни янгилаш ҳисобига кенгайтиришни режалаштирмоқда.

## Американинг фармацевтика гигантлари Европада нархларни оширмоқда

АҚШнинг йирик фармацевтика компаниялари дори воситалари нархини оширишни талаб қилиб, Европага босимни кучайтирмоқда ва айрим ҳолларда янги дори-дармонларни етказиб беришни кечиктириш ёки тўхтатиб қўйиш билан таҳдид қилмоқда.

Pfizer бош директори Алберт Бурла Доналд Трамп маъмурияти билан АҚШда дори-дармонлар нархини пасайтириш бўйича тузилган келишув компанияни хориждаги нархларни ошириш орқали йўқотишларни қоплашга мажбур қилаётганини маълум қилди. “Агар биз АҚШдаги нархни Франция даражасига туширсак, Францияга етказиб беришни тўхтатишимизга тўғри келади”, — деб қайд этди у.

Ўтган йили “Bristol Myers Squibb” каби бир қатор фармацевтика компаниялари, агар нархлар оширилмаса, Европада янги препаратларни бозорга чиқаришни тўхтатиш билан таҳдид қилган эди. Энди АҚШ билан келишувлар тузилгач, компаниялар даромадлардаги йўқотишларни қоплаш учун Европа мамлакатларига ҳам худди шундай босим ўткази бошлади.

Таҳлилчиларнинг прогноз қилишича, америкалик ишлаб чиқарувчилар томонидан кўрсатилаётган босим Европада янги препаратларнинг бозорга чиқишини секинлаштириши мумкин. Бу ҳолат Европа Иттифоқи бозорига АҚШдагидан тахминан бир йил кейин кириб келган бир қатор препаратлар мисолида аллақачон кузатилган.

### Манбалар:

1. ОАЭ усиливают контроль над поставками лекарств в борьбе с монополиями на фармрынке — BRICS Competition.
2. Financial Times: цены на лекарства в ЕС должны быть на уровне США.

## ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ

Далилларга асосланган тиббиёт анъаналар ва миш-мишларга эмас, балки клиник тадқиқотлар ва халқаро тавсияларга таянади. Бугунги кунда фармацевтлар ва шифокорларнинг вазифаси нафақат даволаш

усулларини танлаш, балки ота-оналарни маърифатли қилиш, илм-фанга ишончни шакллантириш ва хабардорлик орқали касалликларнинг олдини олишдан иборатдир.

### Бош муҳаррир:

Екатерина Доронкина

### Катта муҳаррир:

Марьям Суюнова  
Озода Пулатова

### Таҳририят жамоаси:

Марьям Суюнова  
Озода Пулатова  
Камилла Мусаева  
Камила Рахманова  
Сардор Султаниязов  
Ильвина Юсуф-Амет

### Арт-директор:

Владимир Казанцев

### Макетлар дизайнери:

Рашид Якубов

### Саҳифалаш дизайнери:

Тимур Михеев

### Обуна ва тарқатиш бўлими:

+99897 150 87 04  
pharmazetaneews@gmail.com

Нашр материаллари «ASKLEPIY Group» МЧЖ менежерларининг муаллифлик ҳуқуқини ҳисобга олган ҳолда тайёрланди

Сон №2  
Типография: «Uniking» МЧЖ  
Тираж: 5 000 дона.

Даврийлик: йилига 12 марта  
Нашр, саҳифалаш, дизайн учун масъул редактор: Доронкина Е.

«PHARMAZETA» газетаси Ўзбекистон Республикаси Президенти девони қошидаги оммавий коммуникацияларда рўйхатга олинган.

Рўйхатга олиш гувоҳномаси №1458 12.02.2022 дан.

Редакциянинг фикри чоп этилган материаллар муаллифларининг фикрига мос келмаслиги мумкин.

Материаллар ўқилганда «PHARMAZETA» га ҳавола қилиниши шарт.

Реклама материалларида жойлаштирилган маълумотлар учун редакция жавобгар эмас.

Ушбу маълумот фақат тиббиёт ва фармацевтика соҳаси мутахассислари учун мўлжалланган.

# РИНОКСИЛ®

Бурун битишига қарши восита!



12 соатли  
таъсир



Ментолли



Тенг  
тақсимлаш



Эвкалипт  
экстракти билан

